Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 87 (7. 176) ◎ 1990 йил 17 апрель, сешанба Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

⊙ «ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар иқтисодий муносабатларининг асослари тўғрисида» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни ҳамда мазкур Қонунни кучга киритиш тартиби ҳақида СССР Олий Советининг қарори эълон қилинган.

⊙ Мўғилистон халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Раиси этиб сайланганлиги муносабати билан Гомбожавин Очирбатга СССР Президенти М. С. Горбачевнинг йўллаган табриги берилган.

⊙ Москвада СССР Олий Советининг сессияси ва ВЛКСМ XXI съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Бугун тонгги газеталарда шу ҳақда расмий хабарлар, шунингдек комсомоллар съездида қабул қилинган «ВЛКСМ XXI съезднинг КПСС Марказий Комитетига ва мамлакат коммунистларига Мурожаати» эълон қилинган.

⊙ Кремлда, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети Раисининг кабинетида журналистларнинг вакиллари ва космик соҳа энг йирик идораларининг раҳбарлари учрашдилар. Улар КПСС Марказий Комитети топшириғига биноан совет журналистининг космосга парвози истиқболлари ва имкониятларини биргаликда муҳокама қилдилар. «Правда» рўзномасининг биринчи ва иккинчи саҳифаларидаги «Учрашув жойи — Кремль» сарлавҳали мақолада ана шу учрашув ҳақида ҳикоя қилинади.

КЕЛАЖАГИМИЗ — МАКТАБДА

СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, маҳаллий Советлар депутатлари, жамоатчилик ташкилотлари, министрликлар, идоралар, корхоналар ва кооперативларнинг раҳбарлари, меҳнат коллективлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, халқ таълими ходимлари, ота-оналар жамоатчилиги, кўпмиллатли жумҳуриятимизда истиқомат қилувчи барча меҳнаткашларга мурожаатнома

ЖУМҲУРИЯТИМИЗнинг миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиёти бевосита мактабга боғлиқ. Бу фикр ҳаммага маъқул бўлса керак, деб ўйлаймиз.

Халқ донишмандлари элимизнинг буюк мутафаккирлари Фаробий ва Беруний, Улуғбек ва Навоий, Завқий ва Фурқат, Ҳамза ва Аваз Ўтар фақат маориф ва маданият орқали инсон ва давлатнинг келажакда гуллаб-яшнашини ўз даврларида кўра олдилар. Улуғбек ўзининг машҳур мадрасаси пештоғига «Илм олиш ҳар бир эркак ва аёл мусулмон учун ҳам фарз, ҳам қарздир» деган ибораларни ёзиб қўйганди.

Совет Ўзбекистони тарихининг ёрқин саҳифаси — унинг халқ таълими тараққиётидан иборат бўлиб, миллионлаб кишиларнинг жаҳолатдан билим сари улкан қадам ташлашларига замин яратди. Ана шунга асосланадиган бўлсак, бугун мезон ҳам, талаб ҳам янгиланиш даврида янгичасига иш тутишни тақозо этади. Халқаро саводхонлик йилида биз фарзандларимизнинг илм олишда бирмунча орқада қолаётганликлари; аксарият ёшлар орасида билим олишга қизиқиш жуда суст даражада эканлиги хусусида ўйлаб кўришнинг айни пайти келганлигини унутмаслигимиз керак. Сир эмас, мактабларимизда болаларнинг бир қисми ҳозигача қийналиб ўқийди, ёзганда хатоларга йўл қўяди, ҳисоблашни яхши билмайди, бундай эътиборсизлик натижасида мактаб ишини қайта қуриш, кўриниб турибдики, жамиятдаги қайта қуришдан орқада қолмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳар саккиз мактабдан биттаси авария ҳолатида эканлиги, мактабларнинг 70 фоизида болалар икки, ҳатто уч сменада ўқишаётганини кўриб виждонимиз ўртанмай, изтироб чекмай бўладими. Парталар, шунингдек мактабга тааллуқли бошқа буюмлар, таълимнинг замонавий техника воситалари ҳанузгача етишмайди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ўқувчилар замонавий дарсликларсиз ўқиб келишмоқда. Ёшларга тарбия беришда аксарият ўқитувчи ва тарбиячилар эътиборсизликка йўл қўймоқдалар. Натижада, бу ҳол айниқса қишлоқ мактабларида оғир вазнятни вужудга келтирди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети халқ таълимини соғломлаштириш учун амалий чора-тадбирлар белгиламоқдалар. Аммо бутун жумҳуриятни, унинг ҳар бир аҳолисини мактаб ҳашарига сафарбар этмай туриб, юқорида қайд этилган нуқсонларни бартараф қила олмаймиз. Акс ҳолда биз ёшлар олдида, Ўзбекистонимиз келажаги олдида юзимиз шувит бўлиб қоладн.

Яқиндагина Ўзбекистон ССР ва маҳаллий Советлар халқ депутатлари сайлови ўтказилди, партия конференциялари, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ҳамда КПСС XXVIII съезди арафасида турибмиз.

Биз Ўзбекистон ССР ва СССР халқ депутатларига, маҳаллий Советларнинг депутатларига мурожаат қиламиз

Халқ сизларга ишонч билдириб, жумҳуриятда ва жойларда бутун ҳокимиятни топшириб қўйди. Шундай экан, ҳозирги замон кишисига муносиб халқ таълими системасини таркиб топтириш учун ундан тўла-тўкис фойдаланиш лозим.

Маорифга сарфланадиган миллий даромад улушини анча кўпайтириш, барча маҳаллий имкониятларни мактаб ишида жадал, аниқ силжишлар бўлиши учун сафарбар этиш керак.

Мактабда қайта қуриш жараёнлари ишончли ҳуқуқий асосга муҳтож — халқ таълими тўғрисида Ўзбекистон ССРнинг янги Қонунини қабул қилиш зарурати етилди.

Мамлакатда, жумҳуриятда қайта қуриш инсонга қаратилган экан, фарзандларимиз, оилаларимиз турмуш шароитини уларнинг фаровонлигини тобора яхшилайлик, ёш авлод тарбияси йўлида ҳамжиҳат бўлиб, пухта замин яратайлик.

Кўпгина депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурларида мактабга ёрдам бериш тўғрисидаги бандлар алоҳида қайд этилган эди. Мактаб муаммолари халқ сайлаган ҳар бир депутат ғайрат-шижоатининг мажбурий таркибий қисмидан ўрин олсин, сайловчилар эса депутатларнинг ҳисоботлари мобайнида бу ҳаракатларнинг аниқлиги устидан назорат олиб боришсин.

Бизга «Қишлоқ мактаби» жумҳурият, вилоят дастурлари, уларнинг амалга оширилиши устидан жамоат-давлат назорати, хўжаликлар берадиган қўшимча маблағлардан, колхозлар, кооперативларнинг кўнгилли ажратмаларидан, хусусий кишилардан, шунингдек мактаб жамоат ташкилотларининг ўзлари ишлаб топган маблағлари ҳисобига қишлоқ мактаби фондлари ташкил этишимиз зарур.

Депутат ўртоқлар, мактабни қайта қуришни жадаллаштириш ва чуқурлаштиришда халқ таълими, район, шаҳар Советларининг фаолияти ва мавқеини кучайтиришни таъминлаш сизларга боғлиқдир.

Биз коммунистларга, партия конференциялари, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ва КПСС XXVIII съезди делегатларига мурожаат қиламиз

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, КПСС Устави лойиҳаларини, Ўзбекистон Компартияси ҳаракатларининг снёсий программасини муҳокама қилиш чоғида қайта қуриш вазифаларини рўёбга чиқаришда халқ таълимини устун даражада ривожлантиришни, шунингдек, бундан партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифаларини аниқ белгилаб олинг.

Меҳнат коллективларида оталиқдаги мактабларга таъсирчан самарали ёрдам кўрсатиш заруратини тушунтириш бўйича иш олиб боринг. Маориф ва маданиятни ривожлантириш манфаатлари йўлида турли жамоатчилик ташаббусларини ва ҳайр-эҳсонларни қўллаб-қувватланг. Тошкент шаҳар Куйбишев районининг меҳнат коллективларидан, граждалардан келадиган тушумлар ҳисобига болаликка ёрдам берувчи район фондини ташкил этиш соҳасидаги тажрибасини оммалаштиринг.

Биз лойиҳаловчилар, бинокорларга, мактабларни қуриш ва жиҳозлашга даҳлдор барча кишиларга мурожаат қиламиз

Ўзбекистон мактаблари жумҳуриятнинг меъморчилик анъаналарига тўлақонли жавоб бера оладиган, ўқувчи ёшларнинг ҳар томонлама ўсиши учун барча зарур имкониятларга эга бўлсин. Мактаб биноларини ўз вақтида, фақат юксак сифатли ҳамда барча зарур жиҳозлар билан таъминланган ҳолда фойдаланишга топширилиши бинокорлар таъминотчиларнинг энг муҳим ва долзарб иши бўлиб қолмоғи керак.

Биз министрлик ва идоралар, корхоналар, кооперативлар раҳбарларига, меҳнат коллективларига мурожаат қиламиз

Бугунги мактаб ўқувчилари — келажакда ишлаб чиқаришдаги яратувчи инсонлардир. Эндиликда хўжалик ҳисобига тўлиқ ўтилаётган бир даврда кўпгина хўжаликлар, корхона ва бирлашмалар мактабга ёрдам кўрсатишни ўз зиммаларидан соқит қилишга уринмоқдалар, бўлажак мутахассислар тайёрлаш учун харажатларни камайтирмоқдалар. Бу ўринда бир нарсани аниқ тушуниш керакки, маорифга, мутахассислар тайёрлашга маблағ сарфлаш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан энг самарали иш-дир. Бундай хайрли ишга ғамхўрлик қилмайдиган жамоат ташкилоти ўзини ўзи алдайди, абгор қилади. Ўзини ўзи келажакдан маҳрум этади.

Ўқувчиларни баҳоли қудрат меҳнатга жалб этишда болалар техник ижодкорлигини ривожлантириш учун шароит яратишга кўмаклашинг.

Мактаб жиҳозларини тайёрлаш ва биноларни қайта қуриш учун корхоналарда махсус жойлар, цехлар ташкил этинг ва бунга имкон яратинг, солиқ имтиёзлари белгиланган ҳолда кооперативлар ҳолатидан фойдаланишни жорий қилинг.

Биз нашриётлар, полиграфия ходимларига мурожаат қиламиз

Мактаблар буюртмалари — ўз муддатида ва сифатли бажарилсин. Фарзандларимиз янги, қизиқарли, тушунарли, чиройли, замонавий дарсликлар, қўлланмалар, маълумотномалар, луғатлар, она тилидаги бадиий адабиётларга эга бўлишни истайдилар. Ўқувчиларнинг дарсликларни танлаб олишларига имконият яратилмоғи керак.

Биз фан, адабиёт ва санъат ижодкорларига мурожаат қиламиз

Ҳамид Олимжон урушдан олдинги йиллардаёқ ўз ҳамкасблари билан бирга: «Болалар ижодиётини ўстиришга ҳар томонлама кўмаклашайлик», деб ёзган эди. Бу сўзлар бугунги кунда ҳам ўз кучини ва жарангини йўқотгани йўқ.

Ҳар биримиз мактабни ривожлантиришда, ҳеч бўлмаганда бир ўқувчига, синфга, мактабга фан ва миллий маданият чўққиларини, мамлакат ва дунё халқлари маданиятини яхшироқ билиб олишда, халқ таълимига — таълим ва тарбия янги мазмунини чуқурлаштиришда, иқтидорли, салоҳиятли ўқувчиларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини ўстиришнинг таъсирчан йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ўз ўрнингизни белгилаб олинг.

Жумҳуриятда Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонун амалга оширилмоқда. Она тилини мукаммал ўрганиш — миллий мактабнинг асоси. Биз Ўзбекистонда аҳолининг она тилида таълим олиши борасидаги эҳтиёжларини тўла-тўкис қондиришга ҳаракат қилаётирмиз. Ёшлар ўртасида она тилини чуқур эгаллашнинг аҳамиятини ошириш унинг ўқитилиш самарадорлигини кўтаришда ўқитувчиларга ёрдам кўрсатиш, рус тилида сўзлашувчи аҳолига жумҳурият давлат тилини ўзлаштиришда кўмаклашиш ёзувчилар ва шоирларнинг, тилшунос олимларнинг инсоний бурчидир.

Ўқувчилар Ўзбекистон тарихига оид қайта ишланган янги дарсликларга катта эҳтиёж сезмоқда. Бу дарсликларда «оқ доғ»ларга ўрин бўлмаслиги керак.

Барча синфлар учун ана шундай китоблар яратишда ёрдам бериш тарихчиларимиз, ёзувчиларимиз, публицистларимизнинг олижаноб ишидир.

Биз ўқитувчилар, тарбиячилар, халқ таълими идоралари ходимларига мурожаат қиламиз

Ойбек ҳаққоний равишда «Ўқитувчи — ер юзидаги энг асосий касб. У бўлмаса физиклар ҳам, лириклар ҳам бўлмас эди», — деб ёзган эди.

Қайта қуриш ўқитувчи тўғрисидаги масалани айниқса кескин қилиб қўйди. Жамиятда мактабга болаларга юрагини бахшида этган, ўз фанини чуқур биладиган, ранг-баранг методик воситаларни эгаллаган, муфассал психологик-педагогик тайёргарлик кўрган муаллимлар керак. Бугунги кунда ўқитувчи — янгиланиш мафкураси тарғиботчиси бўлмоғи лозим.

Биз халқнинг ўз муаллимларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш анъанасига қайтиш йўлидан бормоқдамиз. Ўқитувчилар, муаллимларнинг яхши шароитларда ишлашлари, яшашлари ва дам олишлари учун барча эҳтиёжларни қондиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳозирча бу иш бироз талаб даражасида эмас. Аммо ўқитувчилар ҳам ўзларининг юксак номларига муносиб бўлишга ҳаракат қилишлари, мактабни қайта қуришда фаол иштирок этишлари керак.

Жумҳуриятда халқ маорифини бошқаришнинг янги ташкилотлари таркиб топмоқда. Улар халқ таълими соҳасида ягона давлат сиёсатини қатъий амалга оширувчилар бўлмоқлари, узлуксиз таълимнинг илғор усулларини яратиш борасида куч-ғайрат билан ишлашлари, Ўзбекистондаги тажрибали ва илғор ўқитувчилар, тарбиячиларнинг яратган янги-янги изланишларини қўллаб-қувватлашлари зарур.

Халқ олдида халқ таълими идораларининг ҳисобот бериш жараёнида халқ таълими бўйича маҳаллий, жумҳурият анжуманларида, ота-оналар кенгашларида бунга доир барча муҳим ишларни амалга ошириш керак.

Биз ота-оналар жамоатчилигига мурожаат қиламиз

Буюк алломамиз Навоий болани **«Меҳри анвар»** — хонадонни чароғон қилувчи, онлага қувонч, бахт олиб келувчи машъала деб таърифлаган эди. Шуни ёдда тутингки, сизларнинг фарзандларингиз, невараларингиз жумҳуриятнинг келажакдаги истиқболидир. Имконият ва қобилиятингизга қараб мактабга кўмаклашинг; мактаб кенгашлари, халқ таълими бўйича кенгашлар орқали мактаб ҳаётини ташкил этишда, болаларнинг тўлақонли, баркамол ўсиши учун шарт-шароитлар яратишда, ўқитувчига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлишни шакллантиришда фаол иштирок этинг. Аваз Ўтар ўғлининг қуйидаги сўзларини эсланг:

Очинглар миллатн вайронн обод этгуси мактаб.
Уқнсин ёшларимиз, кўнглнин шод эттуси мактаб
Дилу жон бкрла эл мактаб очарга ижднҳод этсун
Нединким, бизнгам қайгудин озод эттуси мактаб.

Биз ўқувчиларга, пионер ва комсомолларга мурожаат қиламиз

Бугунги кунда жамият, жумҳуриятимиз ҳар қачонгидан кўра сизнинг билимингиз, қобилиятингиз, истеъдодингизга катта эҳтиёж сезмоқда. Сизни ўқувчиликдек бахтли кайфият, табиатни, жамиятни, атрофингиздаги кишиларни ва ўз-ўзингизни билиб олишга интилиш иштиёқи асло тарк этмасин. Аждодларимиз яратган маданият, она тили, барча мавжуд маънавий бойликларни эгаллаб олинг.

Чуқур билим — миллий қадр-қиммат, жумҳурият ва мамлакатнинг гуллаб-яшнаши сари ёрқин йўлга олиб чиқади.

«Билимдан маҳрум бўлган халқ ўлимга маҳкумдир, чунки ҳар бир халқда мактаб ҳамиша ҳурмат-эҳтиром қилинади!» — деб ёзган эди Ҳамза Ҳакимзода.

Биз жумҳуриятнинг барча аҳолисига мурожаат қиламиз

Бизнинг келажагимиз, Ўзбекистоннинг эртанги куни мактабда. Мактабни бахтли қилсак — эртанги кунимиз ҳам бахтли, саодатли бўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети



⊙ ДЕҲҚОНЛАР УЧУН. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси тажриба-йиғув цехи конвейеридан универсал чигит экиш мосламаси туширилди олинди. Янги чигит экиш мосламасининг афзалликларидан бири шундаки, ундан деҳқончиликнинг бошқа соҳаларида ҳам фойдаланиш мумкин. Бу йил ана шундай агрегатлардан 600 тасини ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

СУРАТДА: янги чигит экиш агрегати.

М. Нуриддинов сурати.

Рўзноманинг шу сонига

«МАЙ — ЭЗГУЛИК БАЙРАМИДИР»

● Халқаро бирдамлик куни, турли миллат, турли дунёқараш, эътиқоддаги халқларнинг дўстлиги ва ҳамжиҳатлиги куни — Биринчи Майга жуда оз вақт қолди. Тошкентликларда бу байрам қайси жиҳатлари билан эсда қолади! Ана шу баҳор байрами кунлари тошкентликларни ва пойтахт меҳмонларини нималар кутади! Биз умумшаҳар Биринчи Май байрамини ўтказиш бўйича ташкилий комитет раисининг ўринбосари Ильгизар Октябревич Эшпардаевдан ана шу саволларга жавоб беришни илтимос қилдик.

— Шу нарсани айтиб қўймоқчиманки, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов раҳбарлик қилаётган бизнинг комитетимиз таркибига Тошкентнинг 2 минг йиллиги, Ўзбекистон ССРнинг 60 йиллиги, Наврўз байрамлари каби тадбирларни ўтказишда бой тажриба тўпланган етакчи режиссёрлар, артистлар, ташкилотчилар киради. Ҳозир Биринчи Май байрамига ҳозирлик жадал суръатлар билан олиб борилмоқда, саҳналаштирувчи гуруҳнинг ҳаммаси сафарбар этилган. «Истеъдод» бирлашмасининг бош режиссёри Бахтиёр Муҳсимович Ҳамидов ана шу улкан ва ёрқин тадбирнинг бадиий раҳбари, хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт ходими Эдуард Иосифович Колосовский эса унинг бош режиссёри бўлди.

— **Уйларингиз, режаларингиз кўп эканлигини биламан. Режаларингизнинг ҳаммасини бир кунда амалга ошириб бўлармикан?**

— Амалга ошириб бўлмаслиги аён, айни вақтда бу бизнинг сценарийимизга ҳам хилофдир. Чунки Биринчи Май икки кун— 1 ва 2 май кунлари нишонланади. Аввалига анъанага мувофиқ меҳнаткашларнинг намойиши бўлади, айтмоқчи, намойишга ҳам бир қатор янгиликлар киритилган. Сўнгра чинакам халқ сайилларн ўтказиладн. Сайиллар Халқлар дўстлиги музейи олдида, «Жасорат» ёдгорлиги олдидаги майдонда, Ленин номли шоҳ кўчада кундузи соат 2 да бошланади. Навоий номидаги Давлат академик Катта театри олдидаги майдонда эса кеч соат 6 да бошланади. Байрамнинг биринчи куни программаси ана шундай.

— **Ушбу тадбирлар ҳақида батафсилроқ ҳикоя қилиб беришнинг иложи борми?**

— Барча сирларимизни, албатта, мен очиб ўтирмайман. Акс ҳолда томошабинларга уларнинг қизиғи қолмайди. Аммо айтишим мумкин, Анҳор канали бўйлаб қозоқ, корейс, уйғур, яҳудий, татар, қрим татарлари, бухоролик яҳудийлар, озарбайжон, арман маданият марказлари жойлашади. Уларнинг ҳаммаси ўз мусиқий программасини намойиш этади. Бу демак, тошкентликлар ана шу халқларнинг маданиятн, урф-одати ва анъаналари билан танишиш имкониятига эга бўладилар. Бундан ташқари ана шу ерларда миллий пазандалик маҳсулотлари ҳам намойиш этиладн, байрамнинг барча қатнашчиларн анъанавий миллий таомларни тановул қилибгина қолмай, уларни тайёрлаш сирларини ҳам ўрганишлари мумкин.

— **1 Май куни Алишер Навоий номидаги театр олдидаги майдонга ташриф буюрувчиларни нималар кутади?**

— Уларни жуда қизиқарли ва ранг-баранг тадбирлар кутади. Масалан, улар ёш мусаввирлар кўргазмасини томоша қилишлари мумкин. Бу кўргазмани Беньков номидаги билим юрти ташкил этади. Катта китоб бозори уюштирилади. Аммо энг муҳимн, шак-шубҳасиз, мусиқали томоша бўлади. Концерт театрга кираверишда ташкил этилиб, унда А. Навоий номидаги Давлат академик Катта театрининг ва ўзбек эстрадасининг етакчи хонандалари ва жамоалари иштирок этишади.

— **2 Майга қандай кутилмаган совғаларни ҳозирлаб қўйгансиз?**

— Байрам иккинчи кунининг асосий воқеаси май сайилларн бўладн. Ҳа, ҳақиқий май сайилларн. Биринчи марта май сайилларинн ўтказиш анъанаси қайта тикланадн. Ана шу масалани ҳал этиш учун бизнинг комитетимиз саёҳатлар бўйича область ва шаҳар кенгашларига, меҳнаткашлар дам олишини ташкил этиш бўйича шаҳар комиссиясига мурожаат этдм. Эндиликда ишонч билан айтиш мумкинки, тошкентликларнинг шаҳар чеккасига оммавий чиқиши амалга оширилади. Шаҳар ташқарисида дам олиш зоналари бўлган корхоналарнинг жамоалари яхши ҳордиқ чиқарибгина қолмай, пансионатларни, пионер лагерларини ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёрлашда ҳам ёрдам берадилар. Бир сўз билан айтганда, улар ҳам ҳордиқ чиқарадилар, ҳам меҳнат қиладилар. Ана шундай дам олиш зоналарига эга бўлмаган ташкилотлар, муассасалар, корхоналарнинг ишчи-хизматчилари эса шаҳар чеккасига саломатлик поездларида, автобусларда чиқишлари мумкин. Ташкилий жиҳатдан бу масалалар ҳал этнб қўйилдн, ўйлайманки, сафар май сайилларининг барча қатнашчиларига манзур бўлади.

Шу куни шаҳарда қоладиган барча тошкентликларни ва пойтахтимиз меҳмонларини биз В. И. Ленин номли майдонга таклиф этамиз. Шу ерда росмана эртаклар шаҳарчаси барпо этиладн. Шу ерда курашчилар, гимнастикачилар мусобақаларини томоша қилиш, болалар велосипедларн ва самокатларидаги пойгаларда иштирок этиш (албатта бу мусобақаларда фақат болалар иштирок этишади), дорбозларнинг эпчиллиги ва чаққонлигига тасанно айтиш мумкин бўладн. Аслини олганда, шу куни майдон болалар ихтиёрида бўладн. Улар учун пакана отларда сайрлар, сайроқи қушларнинг кўргазмаси ташкил этилади, ёш мусаввирлар эса болаларнинг асфальтга расм чизиш конкурсида иштирок эта оладилар. Айтиш мумкинки, мазкур тадбирларнинг ҳаммасига мусиқа жўр бўладн: маданият саройларининг, пионерлар уйларининг, мактабларнинг болалар ансамбллари ранг-баранг программаларини намойиш этадилар. Ўйлайманки, байрамда ҳеч ким зерикмайдн.

— **Биргина В. И. Ленин номли майдонда эмас, бутун шаҳарда байрам қувноқ ўтиши учун унинг ташкилотчиларига талайгина куч-ғайрат, топқирлик, уддабуррослик керак бўладн...**

— Албатта, аммо уларнинг ҳаммаси парда ортида қолиб кетади. Сиримиздан воқиф бўлмоқчи экансиз, айтишим мумкин, биз турли идоралар ва ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Мисол учун, умумий овқатланиш ташкилотлари бизнинг энг яқин маслакдошимизга айланишдн, улар шу қадар қизиқарли, шу қадар «мазали» тадбирларни таклиф этишдики, айрим ҳолларда уларнинг ҳаракат доирасини ҳатто чеклашга ҳам тўғри келдн. Турли ташкилотлар пландан ташқари маҳсулот сифатида байрам либосларини, анжомларини тайёрлашяпти. Туркистон Ҳарбий Округи яқинидан ёрдам бераяпти. Улар техника билан, ишчи кучи билан ёрдам бершаяпти, мушакбозликни ташкил этишда кўмаклашишяпти. Улар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчи эдим, жанғчилар бизнинг ҳар қандай илтимосимизга биринчилардан бўлиб ёрдамга келишаяпти. Барча тадбирларда бажонидил иштирок этишяпти. Ички ишлар бошқармасининг, район ички ишлар бўлимларининг ходимлари ҳам ёрдамлашишяпти. Шу билан бирга районларнинг ўзида ҳам боғ ва хиёбонларда оммавий тадбирларни ўтказишга ҳозирлик кўришяпти. Уларда профессионал артистлар билан бир қаторда ҳаваскор ижодий жамоалар ҳам иштирок этади.

Суҳбатимизнинг бошида мен тайёр сценарийимиз борлигини айтиб ўтган бўлсам ҳам, бу жуда ҳам тўғри эмас. Ҳар бир кўчада, ҳар бир маҳаллада ана шу сценарийга аҳолининг фикри, хоҳиши, урф-одатлар, анъаналар ҳисобга олиниб тузатишлар киритилмоқда. Демак, Биринчи Май рус ва ўзбек, татар ва озарбайжон, тожик ва бошқа миллат вакилларининг қўшиқлари, шеърлари, мусиқаси янгровчи чинакам дўстлик, бирдамлик байрами бўлади. Барча тадбирлар эзгу орзу-нмятлар билан йўғрилади, ахир Май—бу эзгулик байрами-ку.

Суҳбатни
Г. УСТИМЕНКО олиб борди.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети дам олиш кунини 29 апрель якшанбадан 30 апрель душанбага ўтказиш, 1990 йил 28 апрель шанба кунини эса бошқа вақтда дам олиш куни бериш ёки шу куни ишлаганлик учун амалдаги Қонунга биноан ҳақ тўлаш шарти билан иш куни, деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ходимнинг хоҳишига биноан бу кунни тегишли ҳақ тўлаш шарти билан йиллик отпускага қўшишга ҳам рухсат берилди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

● **НЬЮ-ЙОРК. Вашингтон маъмурияти одатдан ташқари можарони ҳал этиш йўлларини изламоқда.** Ана шу можаро натижасида Пайн-Блаффдаги (Арканзас штати) химиявий қурол ишлаб чиқарадиган ҳарбий корхонада иш тўхтаб қолди. «Ньюсуик» журналининг хабар беришича, бу воқеа асабларни ишдан чиқариш хусусиятига эга бўлган зарин газини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган асосий компонент — хлорли тионилни Пайн-Блаффга етказиб бериш тўхтатиб қўйилгандан кейин содир бўлди.

● **ТОКИО. Яқин вақт ичида Япония иқтисодиётининг аҳволи анча мушкуллашади.** Яқинда «Майнити» газетаси мамлакатдаги 50 та йирик концерн орасида ўтказган жамоатчилик фикрини сўраб билиш қатнашчиларининг асосий кўпчилиги ана шундай фикр билдирди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

ЙИҒИЛИШДАН КЕЙИНГИ МУЛОҲАЗАЛАР

«АЛГОРИТМ» электрон-ҳисоблаш машиналари заводи партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида партком котиби вазифасини бажарувчи Евгений Витайловичнинг маърузасини тинглаганларнинг кўпи ягона фикрга келишди: партия комитетининг ҳисоботи маъмуриятнинг ҳисоботига ўхшаб қолган, дейишди улар. Аслида ҳам шундай эди. Ҳисоботдан асосан коммунистларни тўлқинлантираётган, кўпдан буён ўйлантириб келаётган долзарб масалалар эмас, балки иқтисодий мушоҳадалар кўпроқ ўрин олганди. Корхона коммунистлари ўзлари икки йил аввал сайланган партком аъзоларининг бу масалага нима учун бир томонлама ёндошганликларидан таажжубга тушдилар.

Парткомдагиларни ҳам тушуниш керак. Улар бир неча ой котибсиз фаолият кўрсатишди. Бу юқорига ишга кетган аввалги котибнинг ўрнига лаёқатли одам топилмаганидан эмас, аксинча партком аъзоларининг ўзлари шундай ишлашни истаганликлари туфайли рўй берди. Вақтинчалик котиблик вазифасини бажаришни илгари корхона партия ташкилоти котиби ўринбосари бўлиб ишлаган Евгений Трохимович зиммасига ишонч топширилди. Евгений Витайловичдаги нотиқлик санъати иш бермаганида, маъруза йиғилганларни албатта зериктириб қўйган бўлар эди.

Завод партия ташкилоти ўзига 317 коммунист ва 11 КПСС аъзолигига номзодни бирлаштирган. Уларнинг 146 нафарини ишчилар ташкил этишади. 182 коммунист эса инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга мансуб. Турли миллат вакилларидан иборат бўлган корхона жамоасининг байналмилал хусусияти партия ташкилотида ҳам ўз аксини топган. Коммунистларнинг барчаси 20 га яқин миллат фарзандлари ҳисобланишади. Аммо уларнинг ҳеч бири ҳозирги оғир шароитда КПССнинг тақдирига бефарқ қарашаётгани йўқ. Коммунистларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ролини сақлаб қолиш ва мавқеини мустаҳкамлашга ҳамжиҳатлик билан ёндошмоқдалар. КПСС аъзоларининг айни кўнглидаги бу ишлар йиғилишда кенг муҳокама қилинди. Партия ташкилоти фаолиятига ва айрим коммунистлар номига танқидий эътирозлар билдирилди.

Йиғилиш сўнггида унинг баъзи бир қатнашчилари билан учрашиб, ҳисобот-сайловдан олган таассуротлари билан ўртоқлашдик.

— Мен меҳнат қилаётган биринчи бинодаги 30 коммунистнинг 9 нафари яқинда КПСС сафидан чиқди, — дейди корхона созловчиси Қудрат Ҳамидов. — Нима учун? Масаланинг бу томонига бефарқ қараб бўлмайди. КПСС сафидан чиққан бу ишчилар бўшашувчанлик кайфиятига берилган суст кишилар эмас. Уларнинг ҳар бирини шундай якдил қарорга келишга мажбур этган нарса партияда қайта қуришнинг секинлик билан кетаётгани эмасмикан? Шу туфайли ҳам кўпчилик коммунистлар масъулият ҳиссини унутиб қўймоқдалар.

— Партияга ишончнинг камлиги фавқулодда ҳол эмас, — суҳбатимизга қўшилди завод қозон цехи машинисти Александр Ралдугин. — Ҳар бир коммунист муайян ишларга бош-қош бўлиши керак. Уларни партия етакчилари аниқ мақсадлар сари илҳомлантирмоғи зарур. Ҳозир эса аксинча. Бошланғич партия ташкилотлари билан партия ташкилотларининг алоқаси узилиб қолган. Уруш йилларини яхши эслайман. Коммунистлар ҳатто ўлимдан ҳам қайтишмаган. Уларнинг бундай жасоратга олиб келган нарса коммунистлик бурчи, виждони эмасмикан? Ҳозирги пайтда эса бу бурч аксари ҳолларда унутиб қўйилмоқда. Агар ҳар бир коммунист ўзига топширилган ишга жавобгарлик масъулиятини оширганида эди, аксинча бўларди. Заводимиз партия ташкилотининг оу борада йўл қўйган камчиликлари ҳам йўқ эмас. Ҳисоботда масаланинг ана шу томонларига етарли эътибор берилмаган. Тўғри, ўтган икки йил мобайнида ўзимиз сайлаган партком аъзолари ёмон ишлашмади. Аммо биз улардан партия ўзини қайта қураётган, янгиланиш шабадаси томон юз бурган пайтда кўпроқ нарсаларни кутган эдик.

— Ҳисоботда бошланғич партия ташкилотлари шаънига жиддий эътирозлар билдирилди, — дейди корхона қошидаги 50-ўрта ҳунар-техника билим юрти директори Тўлқин Ашрапов. — Агар бошланғич партия ташкилотлари партномга ёрдам беришмаганида эди, улар бу ерда ўтиришмаган бўлишарди. Завод партия ташкилоти аъзоларининг ўзлари нима қилишди. Нега ўз муаммоларини вақтида ҳал этишмади. Қаёққа қарашди? Унинг йўналтирувчи кучи қаёқда қолди? Биз ҳисоботда ана шу саволларга жавоб олишни истаган эдик. Аҳволнинг ёмонлигини ўзимиз ҳам биламиз. Аммо мавжуд вазиятни ўнглаш учун нимадир қилиш ҳам керакми? Ҳолва деган билан ахир оғиз чучимайдиқу. 15 минутда ҳисобот беришнинг ўзи кулгили эмасми? Бу вақт ичида партия ташкилотининг икки йиллик фаолиятини чуқур таҳлил этиб бўлармикан?..

Коммунистларнинг айтадиган гаплари, таклиф-мулоҳазалари кўп эди. Уларнинг ҳар бири билан ҳисоблашмаслик, мулоҳазаларни келгусида инобатга олмаслик мумкин эмас. Албатта буни янги сайланган партком котиби Нурия Зайнуллаевна Қодирова ва унинг аъзолари инобатга оладилар.

Йиғилишда Чилонзор район партия комитетининг иккинчи котиби Михаил Захарович Рябчун иштирок этди. Биз райком котибидан ҳисобот-сайлов йиғилишини қисқача шарҳлаб беришини илтимос қилдик.

— Ҳисобот-сайлов йиғилиши ошкоралик, ўзини ўзи танқид руҳида ўтди, — дейди Михаил Захарович. — Коммунистларнинг сўзларини тинглаб, уларни минбарга чиқишга даъват этган нарса ҳисобот эмас, балки партия ишидаги ташвишли аҳвол эканлигини ҳис этдим. Улар КПССнинг бундан буёнги тақдирига бефарқ қарашмаяпти. Демак куюнчаклик билан қилинаётган ишларга қўшилиш, қўллаб-қувватлаш керак. Айтилган ҳар бир кескин фикрларда жон бор. Биз партияда янгиланиш тўғрисида кўп гапиряпмиз. Аммо бу жараён ҳамма ерда бирдек амалга ошмас экан, қайта қуриш ўз ўрнида депсиниб қолаверади. Йиғилишда қабул қилинган қарорнинг ўзига хослигини айтмайсизми? Унинг лойиҳаси олдиндан эмас, йиғилиш бораётган пайтда ишлаб чиқилди. Муҳокама чоғида қизиқарли таклифлар, мулоҳазалар билан бойитилди. Шубҳа йўққи, бу қарор корхона партия ташкилоти фаолиятини мустаҳкамлашга ва коммунистлар жанговарлигини оширишга хизмат қилади.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

ИШОНИШГА КАФОЛАТ БОР

ЖОЙЛАРДА коммунистларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ниҳоясига етиб бормоқда. Маълумки, биринчи тур, яъни бошланғич ташкилотларидаги бундай йиғилишлар деярли тугалланди. Уларда аввалгиларига нисбатан ўзгариш борми ёки номига шошма-шошарлик билан ўтказиб қўя қолиндими?

Шу мақсадда Тошкент булка-қандолатчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг умумий партия йиғилиши олдидан коммунистлар фикрини эшитиб кўришни лозим топдик.

— Ташкилотимиз аъзолари 28 нафар коммунистдан ўнтасини бугун шу ерга вакил қилиб юборди, — дейди коммунист Абдували Юнусов. — Цехда ўтган йиғилишимиз гарчи қисқа вақт ҳисоботини ўз ичига олса ҳам қилинган ишлар бўйича гаплар кескин бўлди. Йиғилиш ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Камчиликлар очиқчасига очиб ташланди. Сўзга чиққан ишчилар бор гапни тўкиб солдилар.

—Абдували билан бир кунда партия сафига ўтганмиз, — дейди Жўра ака Рихсиев. — Шунга ҳам чорак асрдан кўп вақт ўтибди. Бирлашмамизнинг мавжуд олтита ишлаб чиқариш бўлинмаларидан бешинчисида меҳнат қилиб келамиз. Бўлинмамиз новвот, парварда каби турли хил шарқ ширинликлари чиқаришга мўлжалланган. Кейинги йилларда ишимизда сезиларли ўзгаришлар бўлди. Жумладан, ускуналарни қайта жиҳозлаш, дам олиш шароитларини яратиш сингари ишларга эътибор берилди. Бунда яна коммунистларимиз фаоллигининг оширилиши ҳам муҳим роль ўйнади.

— Бошланғич ташкилот йиғилишида коммунистлар партия Устави лойиҳасини ҳам кенг муҳокама қилдилар, — деб суҳбатимизга қўшилди ўзини Қобил Қосимов деб таништирган коммунист.— Хусусан ўша таклифимизни бугунги бирлашма йиғилишида ҳам сўзга чиқиб айтиш ниятидамиз.

— Қандай таклиф экан у?

— Устав лойиҳаси моддасида аъзолик бадалининг 50 фоизи ўша ташкилотга қолдирилади, дейилган. Бизда ҳам шундай бўладиган бўлса, бу 100 — 150 сўм миқдорни ташкил қилади ва котибдан ташқари яна бир киши учун шу маблағ ажратилади. Энди бир одамга бу маблағни доимий маош қилиб белгиласак, моддий зарурат бўлиб қолган пайтда ҳеч ким бизга ёрдам бермайди. Умуман бу кўрсаткич биз учун кўп ҳам эмас, кам ҳам эмас. Шунинг учун 10 фоизнинг ўзи етарли деб ҳисоблаймиз.

— 50 фоиз дейилганми 50 фоизини олавериш керак-да, — дейди бу гапга Жўра ака Рихсиев қўшимча қилиб. — Нима, битта одамга белгилаб қўйиш шартми? Рағбатлантириш бўлгандан кейин 10 фоиз делётганингиз нимага етади?

— 10 фоиз маблағни тафтиш комиссияси қаттиқ назоратга олса анчагина маблағ, — дейди унга жавобан Қ. Қосимов.

Хуллас, коммунистларнинг бу тортишувлари мажлисгоҳга кирганларида ҳам давом этди. Бирлашма партия ташкилотининг котиби Фарҳод Латипович Маликов ўз маърузасида аччиқ бўлса ҳам фаолияти сустлашиб кетган коммунистлар ҳақида очиқ гапирди. Тўпланиб қолган муаммолар ҳар бир коммунистдан фаолликни, ташаббусни талаб қилаётган айни бир пайтда баъзи коммунистларнинг «Менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида ўзини панага тортиши виждони бор инсоннинг иши эмаслигини таъкидлади. Сўнгра котиб маърузасида айтилган ютуқ ва камчиликларнинг далили сифатида корхона маъмурияти томонидан суратга туширилган видеокўрсатувни коммунистлар эътиборига ҳавола қилди. Бир соат давом этган тўла кўрсатувда корхонанинг бугуни ва эртаси тўла акс этган эди. Бирлашманинг асосий бошқармасидан тортиб олтита бўлинмасида иш аҳволи қандай йўлга қўйилган, янги ўрнатилган ускуналар макарончилар жамоасида ҳам, новвот цехида ҳам талабга жавоб, берадими? Белгиланган нормалар ишлаб чиқариш қувватига тенгми, ишчилар учун яратилаётган шароитларда қандай камчиликлар эътиборсиз қолиб кетаяпти?

Кўрсатувдан кейин улар шу масалалар юзасидан мунозара уюштирдилар. Музокараларда бирлашма бош директорининг ўринбосари М. М. Шарголодский, Дон маҳсулотлари нозирлиги бошқармаси бошлиғи М. О. Каримжонов, бирлашма бош инженери ўринбосари Л. И. Санникова, 5-ишлаб чиқариш бошлиғи М. Муталов, 1-ишлаб чиқариш бош технологи Т. М. Родионова ва бирлашма бош директори Д. И. Шереметская ўртоқлар сўзга чиқдилар. Кун тартибидаги биринчи масала — ҳисобот маърузаси юзасидан фикрларини айтдилар. Гарчи мунозара баҳсга бой узоқ давом этган бўлсада, коммунистлар кўнглидаги гаплар янгради. Йиғилиш қарор қабул қилгунига қадар бирмунча дақиқалик танаффус эълон қилинди. Танаффус пайтида фурсатдан фойдаланиб Фарҳод Маликовни суҳбатга тортдик.

— Фарҳод Латипович, сиз котиблик қилган ташкилотда партком аъзоларининг роли қандай бўлди? Ахир котиб учун таянч асосан улар-ку.

— Тўғри айтасиз. Битта ўзим бошимни минг урганимда ҳам уларсиз натижага эришишим қийин эди. Партком аъзолари тушунган, сиёсий савияси ўткир кишилар деб тўғрисини айтиб ўтдим. Нимаики ютуққа эришган бўлсак, ҳаммамизнинг ҳамфикр, ҳамжиҳат ишлашимиз туфайлидир. Бунда менга В. Рогожин, З. Умаров, О. Сибиашвили ва Н. Иброҳимова сингари партком аъзолари яқиндан ёрдам бериб туришди.

— Бошланғич ташкилотлардаги йиғилишлар фаоллик руҳида ўтди деб маърузада айтдингиз. Бунда нимани назарда тутган эдингиз?

—Коммунистлар ишидаги чинакам далолики. Шу пайтгача талаб қилиш у ёқда турсин, мажлисларда индамай ўтириб, бир кишининг гапини эшитиб чиқиб кетаверишарди. Энди фақат талаб қилишаётгани йўқ. Фойдали таклифларни ўртага ташлаб раҳбар коммунистлар билан фикр алмашмоқда, амалий ёрдам беришаяпти.

— Маълум бўлишича жамоангиз коммунистлари якдиллик билан КПСС XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасига ўз таклифларини киритибди...

— Бу ўринда улар район партия комитети котиблари, умуман аппарат ходимлари муқобил йўл билан сайланишлари керак деган таклифни билдиришди. Бир овоздан маъқулланган мазкур таклифни район партия конференциясига билдирмоқчимиз.

.... Ниҳоят, йиғилиш аҳли бир тўхтамга келди. Бирлашма партия комитетининг беш ойлик фаолияти қониқарли деб баҳоланди ва бир овоздан Ф. Л. Маликов номзоди қайта котибликка муносиб деб топилди.

Ф. ҲУСАНОВА.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

Хориждан хабарлар

⊙ БЕЛГРАД. Югославиялик ўн уч ёшли скрипкачи Стефан Миленкович ўз концерт фаолиятининг ўн йиллигини Белград филармониясининг симфоник оркестри жўрлиги,,а мусиқа ижро этиш билан нишонланди. Ёш созанда ўз ижодий биографиясидаги юбилейга Чайковскийнинг оркестр билан ижро этиладиган скрипка учун концертини тайёрлади.

Истеъдодли скрипкачининг номи Югославиянинг ўзидагина эмас, у муваффақиятли гастроллар ўтказган жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ҳам яхши таниш. Стефан уч ёшидан бошлаб концертларда иштирок этаяпти, беш ёшидан бошлаб эса солист сифатида қатнашаяпти. Классик мусиқа мухлисларининг фикрича, унинг ижроси кишини бефарқ қолдирмайди. Ҳозир ёш скрипкачининг репертуаридан кўпгина бастакорларнинг асарлари жой олган, унинг ижросидаги куйлар ёзилган бир неча пластинка чиқарилган.

Югославия томони юбилей концертида иштирок этиш учун москвалик таниқли дирижёр Василий Синайскийни таклиф қилди. Бунга қадар мен Стефаннинг истеъдодли созанда эканини эшитган эдим, деди у ТАСС мухбирига, энди бунга ўзим ишонч ҳосил қилдим. У ўн уч ёшида жуда мураккаб концертлардан бирини сира қийналмай ижро этди. Лекин адолат юзасидан айтиш керакки, югославиялик скрипкачи ҳозирча куйларни ҳар қалай катта артистдан кўра шогирдга ўхшаб ижро этаяпти. Унда юксак профессионализм бор, чолғу асбобини маҳорат билан чалади, лекин айни пайтда бадиҳа ҳисси, Чайковский мусиқасини шахсан идрок этиш етишмайди. Стефан буюк рус композиторининг оркестр жўрлигидаги скрипка учун концертини ўзи учун ҳали яна кўп маротаба кашф этади, деб умид қиламан. Келажакда у катта созанда бўлиб етишишига ишонишни истардим, деб таъкидлади совет дирижёри.

⊙ ГАВАНА. Кубанинг энг кекса кишиларидан бири Антонио Дисирт Мартинес ўзининг 115 ёшини ёшлар даврасида, Румба ва Ламбадага рақс тушиб кутиб олди. Ветеран шу қадар ғаройиб муҳитда шарафланаётганлиги бежиз эмас: унинг туғилган куни жумҳуриятда кенг нишонланган Куба ёш коммунистлар уюшмасининг навбатдаги санасига тўғри келди.

Шаҳарда Матансас Антонини ҳамма танийди. Бу фақат унинг ёши туфайлигина эмас. Бу ердагилар унинг таржимаи ҳолини асосли равишда Кубанинг, унинг халқи озодлик ва мустақиллик учун олиб борган курашининг жонли тарихи, ёшлар тақлид қилса арзийдиган намуна деб ҳисоблайдилар.

— Мен Гаитида, 1875 йилда туғилганман, — дейди қария. — 26 ёшимда Кубага кўчиб келдим, Орол шарқидаги тоғларга жойлашдим, оила қурдим, бир парча ерни парваришлаб, ҳосил ола бошладим. Оғир меҳнатдан чўчимадим, бироқ, доимий қашшоқликка ҳеч кўника олмадим. Шу сабабдан ўлкамизда 1958 йилда диктатор Батистага қарши курашувчи қўзғолончи отрядлар пайдо бўлганида ҳеч иккиланмасдан унинг сафларига кирдим. Ўшанда 83 ёшда бўлсам ҳам озодлик учун жанг қилдим, ёш жангчилардан ҳеч нарсада ортда қолмасликка ҳаракат қилдим.

У бунга қандай эришганлигини табаррук ёшга борган ветеран инқилобий қуролли кучлар капитани унвонига сазовор бўлганлиги ҳам кўрсатиб турибди.

⊙ ПРАГА. Чехословакияда сайловолди кампанияси тобора авжига чиқмоқда. Мамлакатнинг миллионлаб гражданлари 8—9 июнь кунлари ЧСФР федерал мажлисининг янги депутатлар составини, шунингдек Чехия ва Словакия миллий кенгашларининг депутатларини сайлашлари керак. 27 та сиёсий партия ва ҳаракат бутун мамлакат бўйлаб умумдавлат ва республика парламентларига ўз номзодларини кўрсатди.

Жамоатчилик фикрини охирги сўраб билиш натижаларига биноан, сайловда сайловчиларнинг 88 фоизга яқини қатнашади. Машҳурлик жиҳатидан «Гражданлар анжумани» ҳозирча биринчи ўринда, Чехословакия Компартияси иккинчи, «Кўкатпарварлар» эса учинчи, халқ партияси тўртинчи, социалистлар бешинчи, социал-демократлар олтинчи, қишлоқ хўжалик партияси эса еттинчи ўринда бормоқда.

⊙ ҚОҲИРА. Грек-православ черковининг патриархи Диодор 1 Қуддус кўчалари бўйлаб ўтган намойиш қатнашчилари сафларига бошчилик қилди. Босиб олинган Қуддуснинг шарқий қисмидаги христианлар ва мусулмонлар ушбу районга 150 нафар яҳудий истилочиларини кўчиб келишига қарши норозилик билдирдилар. Истилочилар ҳарбийлар ҳимоясида христиан черковларига тегишли биноларни босиб олдилар, уларнинг бирида эса синагогни очишга улгурдилар. Сионистларнинг ифвогарона руҳдаги ҳаракатлари оқибатида ана шу норозилик намойиши айниқса қизғин бўлди, сионистларнинг ифвогарона ҳаракати бу ерда айниқса эъзозланадиган пасха байрами арафасида амалга оширилган эди.

⊙ УЛАН—БАТОР. Биз монгол жамиятининг социализм йўлида ривожланишидан чекинмаймиз. Қайта қуриш жараёнида социализм тушунчаси янгиланмоқда. Биз инсонпарвар, демократик социализм учун курашамиз, деди МХР буюк халқ хурали ҳайъатининг раиси Пунсалмагийн Очирбат япон журналистларининг саволларига жавоб бериб. «Унэн» газетаси унинг «Асахи симбун» газетаси ва Киодо Цусин агентлиги мухбирлари билан қилган суҳбати тўла матнини босиб чиқарди.

⊙ БАҒДОД. ИНА агентлиги Ироқ президенти Саддам Ҳусайн Яқин Шарқ регионида оммавий қирғин қуролларининг барча турларини ёқлаб чиққанлигини хабар қилди. С. Ҳусайн Р. Доул бошлиқ Америка сенаторлари делегацияси билан Бағдоддаги учрашувда Ироқнинг атом ва бактерология қуроли йўқлигини ва у унга эга бўлишга интилмаётганлигини айтди. Исроил атом қуролига, кимёвий ва бактеорологик ҳарбий қувватга эга бўлган шароитда Ироқнинг бинар кимёвий қуроли тийилиб туриш учун етарлидир, деб таъкидлади президент. У Исроил атом қуролини қўллаб, босқинчилик қилган тақдирда, Ироқ бунга кимё қуроли билан жавоб беришини уқтирди.

(ТАСС).



⊙ **КЎРКАМ ЛИБОС ИЖОДКОРЛАРИ. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси устки трикотаж фабрикаси рассомлари Ирина Цаканян ва Татьяна Рудник.** Ҳ. Шодиев сурати.

НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

⊙ **МАШҲУР совет ёзувчиси Садриддин Айний адабий фаолиятн ранг-баранг бўлиб, турли жанрларда кўплаб асарлар яратган эди.** Адибнинг «Судхўрнинг ўлими» асари эса китобхонлар орасида айниқса кенг тарқалди.

Сатирик тиғ билан суғорилган бу асар яқинда араб тилига таржима қилинди. Москвадаги «Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими уни ўз мухлисларига алоҳида тўплам ҳолида тақдим этишни режалаштирди.

«Судхўрнинг ўлими» китоби «Совет адабиётининг усталари» туркумида яқин орада чиқарилади.

А. ВАЛИЕВ.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

НУҚСОН БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

«Ойнаи-жаҳон»даги кўрсатувларни ёки кинофильмни томоша қилиб ўтирганингизда бирдан электр ўчиб қолса, ўзингизни қаёққа қўйишни билмай қоласиз», деб ёзибди Собир Раҳимов кўчаси, 11-боши берк кўчадаги 4-уйда истиқомат қилувчи оқшомхон А. Толипов. Хат Собир Раҳимов район Совети ижроия комитетига юборилган эди. Ижроия комитет раисининг ўринбосари Ш. Шомансуров имзо чеккан жавоб мактубида шундай дейилади:

— «Собир Раҳимов район Совети ижроия комитети оқшомхон А. Толиповнинг ҳатида келтирилган фактни текширди. Ҳақиқатан ҳам шу йилнинг бошларида Форобий кўчасида, («Янги турмуш» маҳалласида), Сағбон кўчасида асосий кабель шикастланган сабабли электр қуввати бўлмади. 6 январь куниёқ у қайта тикланди. Ҳозир электр қуввати мунтазам бериляпти».

«ЁЛҒОНЧИ РОБОТЛАР»

Шу йилнинг 27 январида «Тошкент оқшоми» рўзномаси саҳифаларида шанба фельетони босилиб, унда телефони бузилиб қолган киши 47-АТСга 08 орқали мурожаат қилса, уста ўрнига роботнинг: «Буюртма қабул қилиндк, телефонингиз текширилади» деган бир хилдаги, сийқа жавобини эшитиши, бу эса мижозларни сарсон қилишнинг «қулай» усулларидан бири эканлиги фош этилган эди.

Ана шу фельетон юзасидан шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси бош инженери Н. Султонов имзоси билан олинган жавоб хатида, жумладан, шундай дейилади:

— «Ёлғончи роботлар» мақоласи 47-АТС жамоаси ўртасида муҳокама қилинди. Унда келтирилган фактлар тасдиқланди, танқид ҳаққоний деб топилди. АТС ходимларидан З. Салимов ва С. Мустафоевалар жамоа олдида узр бўлдилар.

47-АТС мижозларининг талабларини қондириш мақсадида ҳар куни эрталаб соат 9 дан 14 гача буюртмалар қабул қилинмоқда. Мижозларга аниқ тушунтириш ва маслаҳат берилмоқда. Агар уларни ташвишлантираётган масалалар кўпайгудек бўлса, буюртма қабул қилиш муддати яна узайтирилиши мумкин. Иш шундай ташкил этилдики, биронта ҳам мижоз бундан буён эътиборсиз қолдирилмайди. 47-АТСда ҳозир шикоятчи мижозлар оқими анча камайганини айтиб ўтмоқчимиз. Бунда бизга Собир Раҳимов район алоқа узели ўз куч ва маблағлари билан катта ёрдам кўрсатяпти».

Ҳам куласиз, ҳам куясиз

ЮЗ ЮВИШГА ЧИРОҚ КЎТАРИБ

ЯХШИ шароит, маданий ҳордиқдан гап очгудек бўлсангиз 1-трамвай депоси ҳайдовчиларининг ҳасратидан чанг чиқади. «Бунақа қулайлик бизга ёт, фақат тушда кўрамиз», дейишади. Аслида ҳам шундай. Депонинг ёнида Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг 300 ўринли ётоқхонаси бор. Деподаги ҳайдовчиларнинг кўпчилиги унда истиқомат қилишади. Шароитнинг йўқлигидан ҳозир кўпчилик нолимайдиган бўлиб қолган. Бу ердаги шароитни ўнглаш тузатиб бўлмас касалликка айланиб кетгандек туюлади уларга. Ишдан қайтишлари биланоқ тўрт девор ичида турмуш ташвишлари билан банд бўладилар.

Ётоқхона ташқи кўринишининг ўзиёқ киши кўнглига ғашлик солади. Ичкарига киришингиз биланоқ ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Полдаги линолеум йиртилиб ётибди. Пиллапоя ва деворлар ночор аҳволда. Ошхона санитариягигиена талабларига жавоб беролмайдиган даражага келиб қолган. Бир жўмрагидан кечасию кундузи сув чакиллаб томиб турса, иккинчисидан умуман ҳеч нима оқмайди. Душда ювинмоқчи бўлганлар кечқурун бу ерга ўзлари билан бирга чироқни ҳам олиб келишади. Қаерга қарасангиз камчилик устига камчилик топасиз. Эътиборсизлик ҳам шунчалик бўладими?

Бошқарманинг кўп нусхали «Мотор» газетасида ёритилган танқидий мақолаларнинг бирида ётоқхонадаги аҳвол фош қилинди. Аммо на депо раҳбарлари, на бошқарма мутасаддилари бу масала билан қизиқди. Қуруқ ваъда ва текшириш устига қайта текширишлар ётоқхонада яшовчи ҳайдовчиларнинг мадорини қуритди. Улар ўзгариш бўлишига энди сира ҳам ишонишмайди. Шунинг учун ҳам кўпчилик ётоқхонани тарк этмоқда. Ночор шароитда яшагандан кўра ижарага квартира олишни афзал кўришаяпти. Кейинги 10 ой давомида 65 ҳайдовчи ётоқхонадан бош олиб чиқиб кетди. Қўлидан келганлар эса ёнларидан пул сарфлаб ҳеч бўлмаганда ўзи яшайдиган хонани ўнглаб олишга мажбур бўлдилар. Шароит шу бўлганидан кейин маданий ҳордиқ чиқариш кимнинг ҳам хаёлига келарди. Дам олиш хонасида шахмат-шашка у ёқда турсин бирорта газета боғлагични ҳам топа олмайсиз. Шунинг учун ҳам хона доим қулфлоғлик бўлади.

Айтаверсак гап кўп. Аҳвол шу тарзда кетаверса буёғи нима бўларкин?

Қ. МУЛЛАЕВ,
1-трамвай депоси бошланғич комсомол ташкилотининг котиби.



Берлин девори икки давлат ўртасидаги чегара сифатидаги аҳамиятини кун сайин йўқотиб бораяпти. Аввалига ГДР фуқароларининг Ғарбий Берлинга ўтиши учун, сўнгра Ғарбий Берлин ва ГФР аҳолисининг ГДР пойтахтига ўтиши учун эркин йўл очилди, назорат қилиб ўтказиш пунктларининг, шу жумладан Бранденбург дарвозаси районидаги назорат қилиб ўтказиш пунктларининг сони кўпайтирилди.

Шунга қарамай девор ҳамон кўпчиликнинг диққат марказида турибди. Кечаю кундуз юзлаб ишбилармон корчалонлар қўлга тушган барча воситалар билан деворни Ғарбий Берлин томондан бузишаяпти. Сотувчилар аслини олганда ўғирланган мол билан савдо қилаётганларини унутиб қўйиб, девор парчаларини эсдалик сифатида сотиб олишни таклиф қилишяпти. Сабаби, ГДР фуқароларининг маблағи эвазига қурилган деворга уларнинг ҳеч қандай ҳаққи йўқ.

Аста-секин девор ўрнини баланд бўлмаган темир тўрлар эгаллаб бораяпти. Биринчи бўлиб ана шундай тўр Рейхстагдан Бранденбург дарвозасигача бўлган участкада ўрнатилди.

СУРАТДА: текин тарихий эсдалик олиб қолмоқчи бўлганлардан бири.

В. Огородников (ТАСС) сурати.



Муштарийлар учун учрашув

ДИЛГА ДИЛРАБО ХОНАНДА

Ҳар бир инсоннинг ўзи севган қўшиқчиси ва у туфайли дилига жо бўлган ўз айтар қўшиғи бўлади. Уша санъаткор унинг учун ҳам хаёлий сирдош, ҳам маънавий шифокордир.

Шундай эл севган санъаткорлардан бири Ўзбекистон ССР халқ артисти, Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бобомурод Ҳамдамов 50 ёшга, ижодий фаолиятн бошланганига 30 йил тўлди. Шу муносабат билан В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройида кеча, 16 апрель кунн ўтказилган қўшиқ оқшомида устоз ва шогирдлар санъатн намойиш этилди.

Бобомурод ака билан суҳбатлашишн анчадан, буён кўнглимизга тугиб юргандик, шу қўшиқ оқшомн сабаб бўлиб у киши билан дилдан суҳбатлашдик.

— Бобомурод ака, сиз халқимизнинг севикли санъаткорларидан бирисиз. Минглаб мухлисларингиз қўшиқларингизни севиб тинглашади-ю, лекин ҳаммалари ҳам санъатга кириб келишингиз қандай бўлганини билишмайди. Болалик йилларингиз ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.

— 1957 йили мактабда мусиқа тўгарагида қатнашардим. Ўша пайтларда Раҳимжон Рўзиев бадний раҳбаримиз эдилар. У киши ҳар бир машқларимизни синчковлик билан кузатар, ҳар кимнинг қобилияти, имкониятн қай даражада эканлигига алоҳида эътибор берарди. Мактабда, маҳаллада бўладиган бирор тадбир куй-қўшиқсиз ўтмасди. Шу боис раҳбаримиз қандай куй ижро этишимизга қараб керакли маслаҳатларини айтар, овоз пардаларимизнинг равонлиги ва ривожи доим диққат марказида эди. Биз ёшлар ҳам унинг маслаҳатларига амал қилиб санъатнинг сеҳрли оламига кириб борардик.

Кейинчалик район, вилоят ўқувчилари доирасидаги мусиқа кўрикларида қатнашиб биринчи ўринни олишга мушарраф бўлдим. 1964 йили Туркманистоннинг Чоржўй филармониясига ишга таклиф қилишди, якка хонанда сифатида. Кунларнинг бирида филармониямиз концертида атоқли устоз Комилжон Отаниёзов қатнашди. Шу кеча Комилжон аканинг қўшигини куйладим. Концерт сўнгида устоз мени қутлади. 1965 йили у киши мени Хоразм «Лазги» ансамблига таклиф қилди.

...Хуллас, қайси санъат жамоасида ишламай устоз Комилжон ака Отаниёзов саъбоғи, маслаҳатига амал қилдим. У туфайли Ўрта Осиё ва Шарқ халқларига «Бобомурод» бўлиб танилдим. Бу—меҳрибон устозим Комилжон Отаниёзов ва халқим берган маънавий тарбия туфайли деб биламан.

— Қўшиқ басталашда кўпроқ қайси шоирлар ижодига мурожаат этасиз?

— Назаримда, санъаткор ўз дидига ва халқига манзур бўла оладиган шеърни танлай билиши лозим. Баъзи ёш хонандалар жумҳуриятимизга танилган, 4-5 шеърий тўпламни нашр эттирган шоирлар шеърларига «талпинадилар». Гўё ўша ёш санъаткор ўша таниқли шоир шеърини куйлаб машҳур бўлиб кетадигандек. Ваҳоланки, истеъдоди «ярқ» этиб кўринган ёш ижодкорларимиз ҳам талайгина.

— Ҳозирги айрим ёш қўшиқчилар машҳур санъаткорларга тақлид қилишиб овозинга ўхшатиб айтишади. Шунга муносабатингиз?

— Санъатга меҳр қўйган ҳар бир ёш хонанданинг севикли устози бўлади, албатта. Ёшлардаги бу интилишни тўғри англамоқ керак. Ахир миллий санъатда «Сен мана бу таниқли санъаткорнинг овозига тақлид қиляпсан» деб уни чегаралашимиз ноўрин. Мен ҳам устоз Комилжон Отаниёзовнинг овозига тақлид қилганман. Санъат сирларидан бири шуки, сиз ёқтирган санъаткор услуби, унинг овозига ўхшатиб куйлаш, оғиз, томоқ пардаларини ривожлантириб, келгусида ўз йўлингизни топиб олишингизга кўмаклашади. Қолаверса, устоз услубини давом эттириш шогирдда масъулият ҳиссини оширади.

— Санъатда 30 йил фаолият кўрсатиш, — бу кичик гап эмас. Катта ижодий йўлдаги қайси хислатларни кўпроқ қадрлайсиз?

— Санъатнинг кучи санъаткор билан. Лекин унинг овози ўткир бўлгани, билан барибир ярим истеъдод ҳисобланади. Халқ олдида одоби, тартиб-интизомини, ҳурматини сақласа, шундагина бутун бўлади.

Ахир халқ Маъмуржон, Жўрахон, Комилжон кабиларни бекорга устоз санъаткор, деб севмайдилар. Бир воқеа ёдимда!

...Комилжон Отаниёзов Тошкентда концерт берди. Халқ уни қарсаклар билан олқишлади. Келганларнинг ҳурмати учун Комилжон ака яна битта қўшиқ куйлади. Концерт якунида Маданият вазирлигининг бир ходими устозга: «Нега яна қўшиқ айтдингиз?» деб сўради. У киши «Халқнинг илтимосини қайтаролмадим», деб жавоб қилди. Шунда ҳалиги «амалдор» Комилжон акага танбеҳ берди. Бундан дили ранжиган атоқли хонанда ҳалиги одамга: «Концертимни олишинг мумкин, лекин торимни тортиб ололмайсан», деб эртасига эрталаб тайёрада Хоразмга учиб кетган. Хонанданинг минглаб мухлислари кейинги куни ҳам келишиб «Комилжон ака куйласин!» деб талаб қилса Маданият вазирлигидаги ўша «маданиятли» ходим «Комилжон ака бетоб бўлиб Хоразмга қайтди» деб қутулди. Айтмоқчиманки, буйруқбозлик билан санъатни ривожлантириб бўлмайди. Санъаткорнинг маънавий руҳи халқ билан тирик. Унга илҳом берадиган улкан куч — халқ.

— Шогирдларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз. Уларда қайси хислатларни кўпроқ қадрлайсиз?

— Устоз Комилжон Отаниёзовнинг ажойиб хислатларидан бири чой ичаётганда ҳам илҳом билан қўшиқ куйларди. Чой устида куй басталарди. Менга ҳам устознинг тарбияси оққан.

Шогирдларим билан анча йиллардан буён бирга ишлаб келамиз. Каромиддин Қўчқоров, Тўлабой Йўлдошев, Отаназар Ибодуллаев, Ҳамроқул Одилов — ҳаммалари севимли шогирдларим. Бирбиримизни қадрлаймиз. Ёш санъаткорлар — Карим Раҳмонов, Ўктам Аҳмедов, Ҳодир Жўраевлардаги истеъдод, меҳнатсеварликни кўриб қувонаман.

— Ижодий сафар билан кўпгина юртларни, давлатларни кезгансиз. Қайси бир халқ санъати ўзбекларникига яқин деб биласиз? Ўша давлатнинг яна нималари сизга ёққан? Яна ҳинд қўшиқларини тез-тез куйлашингиз боиси борми?

— Ҳинд санъати шарқ халқлари — айниқса, Ўрта Осиё халқлари учун жуда қадрли. Ҳиндистон халқини, унинг санъатини Хоразмликлар ўхшатаман. Бу халқнинг каттадан-кичик санъат шайдоси завқ билан рақсга тушиб, қўшиқ айтаверади.

Ҳиндча ашулаларни ҳинд кинофильмларидан ўрганаман. 1974 йили Бомбейга борганимда Раж Капурни кўришга муяссар бўлдим. 1982 йили Тошкент кинофестивалида уни яна кўрдим. Бир неча йилдирки жумҳуриятимиз радиоси билан бу борада яқиндан ҳамкорлик қиляпман.

— Юнус Ражабий, Маъмуржон Узоқов, Мулла Тўйчи каби атоқли устоз ҳофизларимизнинг бой меросини ўрганиш, уни давом эттириш учун нималар қилиш керак деб ўйлайсиз?

— Ҳозирги ансамбларда миллий чолғу асбоблари билан хоржинчилар аралашиб кетган. Ҳар ким истаганини чалади. Уларни энди тўхтатиш қийин. Ахир Комилжон, Маъмуржон, Мулла Тўйчи, Расул қори, Ўлмас Сайиджонов, Исоқор, Жўрахон, Неъматжон, Олмахонларда хоржиннинг чолғу асбоблари бўлмаган, лекин ўз санъатлари билан ҳаммани лол қолдиришган.

Ликобчада ашула айтиш, концертда карнай чалишни фақат байрам кечаларида кўрамиз. Най навоси буюк Навоийни ўзига ром этган. Кўпгина ёшларнинг чиқишларида най кўринмайди. Биз ҳам устоз таълимига амал қилиб чет элнинг мусиқий асбобларини олмаганмиз. Шундай бўлсада ўзбекча, қозоқча, туркча ва тожикча қўшиқларни камчиликсиз, маромида айтамиз. Ахир миллийликни ҳам сақлаб қолиш керак-да!

— Бўш вақтингизда севган машғулотингиз?

— Инсонлар ўртасида энг кераклиси оқибат. Катта санъаткорман, мени ҳамма кўрсин, дейиш — одобсизлик белгиси. Бу халқнинг назаридан қолиш демакдир. Бўш вақтда фарзандлар тарбияси билан шуғулланаман. Дўст-қариндошлар, маҳалла оқсоқоллари даврасида суҳбатлашиб ўтиришга нима етсин.

— «Тошкент оқшоми» муштарийларига тилакларингиз?

— Доимо яхши кайфият тилайман. Соғ-саломат бўлишсин. Биз санъаткорлар доим уларнинг хизматида бўлайлик.

Суҳбатдошлар Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ, Мухтор СУЛАЙМОНОВ.



У. ФАЙЗИЕВА: Мен узоқ муддатга бошқа шаҳарга (қизимникига) кетмоқчиман. Нафақа пулимни бошқа одам ишонч қоғози билан олиши мумкинми! Агар мумкин бўлса у ҳолда бу ҳужжатни албатта нотариал идорасн тасдиқлашн керакми!

Жавоб: Ҳа, нафақа пулини ишонч қоғози билан бошқа киши олиб турса бўлади. Ишонч қоғози нотариал идорасидагина тасдиқланиши шарт эмас. Уни турар жойлардан фойдаланиш бошқармаси, маҳалла комитети орқали ҳам тасдиқласа бўлади. Аммо шуни эсдан чиқармаслик керакки, ишонч қоғози билан нафақа пули сурункали 3 ойдан ошиқ вақтга берилмайди. Бундай муддат тугаши билан яна ишонч қоғозини янгилашга тўғри келади.

С. НУЪМОНОВ: Менинг дўстим аслида ишчи. Ишдан бўш вақтида колхозда шартнома билан ишлаётганда қаттиқ жароҳатланиб қолди. Энди нима қилиш керак!

Жавоб: Колхозда ишловчиларнинг жароҳатланганликлари учун зарарни тўлаш қонуни тадбиқ этилмайди. Бу ерда у колхоз аъзосими ёки шартнома билан ишлаганми, фарқи йўқ.

Колхозда жароҳатланганлик оқибатида келтирилган зарар суд орқали колхозга нисбатан даъво ишини қўзғатиш йўли билан ҳал қилинади. Бундай даъво ўрнатилган тартибга асосан эмас, граждалик қонуни нормаларига асосан кўрилади.

П. КАРИМОВА: Эримнинг 13 яшар укаси биз билан яшар эди. Турмуш ўртоғим тўсатдан вафот этди. Айтингчи, 13 яшар болага нафақа тайинланадими!

Жавоб: Агар ука (синглн) вафот этган акасининг қарамоғида бўлган деб ҳисобласалар, у ҳолда бундай ука боқувчисидан жудо бўлганлик нафақаси билан то улар 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёш)га етгунларича махсус қарор билан берилади.

С. КАРИМОВ: Менн сабзавот маҳсулотлари сақловчи омборга бир ой муддатга командировкага юборишди. У ерда ишлаб турганимда тўсатдан бахтсиз ҳодиса юз бериб, қаттиқ шикастландим. Айтингчи, касаллик варақасига қайси корхона неча фоиз ҳақ тўлаши керак!

Жавоб: Омборхонада ишланган пайтда жароҳатланиш ишлаб чиқаришда содир бўлган меҳнат жароҳатига киради. Касаллик варақаси учун 100 фоиз ҳақни асосий ишлайдиган корхонангиз тўлайди.

К. НОРОВ: Мен ёш мутахассис ҳисобланаман. Заводга қарашли ётоқхонада яшайман. Алоҳида турар жой берилиши керакми ёки ҳаммавақт шу ётоқхонада яшайверамани!

Жавоб: Ётоқхона ёш мутахассис учун вақтинчалик истиқомат қиладиган турар жой ҳисобланади. Сиз доимий яшайдиган турар жой билан таъминланишингиз учун маъмурият имконн борича чоратадбир кўриши керак. Уй-жойга бўлган ҳуқуқингизга ишга йўлланма ҳужжатида кўрсатилган.

Ф. МАҚСУМОВ: Менга ногиронлик нафақаси тайинланганда иш стажимни 26 йилу 5 ой деб ҳисоблашди. Қарилик пенсиясига ўтишимда эса 4 йилни олиб ташлашди. Қондага кўра бу тўғримн!

Жавоб: Қарилик пенсиясига чиқаётганда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида кундузи ўқиган вақт агар ўқишга киришдан олдин ишчи ёки хизматчи бўлиб ишланган бўлсагина умумий иш стажи ҳисобига киритилади. Ногиронлик пенсиясини тайинлашда эса ўқишдан аввал иш стажи мавжуд бўлиши кераклиги тўғрисидаги шарт қўйилмайди. Демак сизнинг иш стажингиз тўғри ҳисобланган.

М. ЗОКИРОВА: Ходим ўқишга киришдан олдин ишчи ёки хизматчи сифатида ишлаётган бўлса ўқиш вақтн иш стажига қўшилса, у ҳолда ҳар 5—10 ва ҳоказо йиллар ишлаганн учун ойлигига қўшимча ҳақ қўшиб берилядими ёки бу ҳисобга олинмайдими!

Жавоб: Қонунга биноан ўқиш даври иш стажига қўшилган тақдирда олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида ўқиган вақт давлат социал суғуртаси бўйича нафақа олиш мумкин. Ишдан бўшалган кун ўқишга кириш кунигача белгиланган муддатдан ошиб кетмаса ёки ўқув муассасасидан ўқиш тамом бўлишидан олдин талабалик рўйхатидан чиқарилган вақт билан ишга қабул қилинган вақт уч ойдан ошмаган бўлса меҳнат стажининг узлуксизлигининг йўқолишига таъсир қилмайди.

А. ҲАСАНОВ, ҳуқуқшунос.

Фан олами янгиликлари

ТАБИАТ—ИНСОН ОНАСИ



Замонавий фан-техника воситалари билан қуролланган инсоният «табиатни забт этиш» шиори остида она-табиатга мисли кўрилмаган даражада тазйиқ ўтказиб келмоқда.

ШУ КУНГА қадар кишилар табиатдан хоҳлаган нарсасини (қазилма бойликлар, сув, ўсимлик, ҳайвонот олами каби омилларни) истаганича узлуксиз олиб келсалар-да, табиатга ниманидир қайтариб беришни хаёлга ҳам келтирмадилар. Бинобарин, асрлар ошса халқ оғзаки ижодиётида такрор айтилиб келинаётган ва ўта чуқур маънога эга бўлган «Олмоқнинг бермоғи ҳам бор» деган нақлга амал қилинмади. Натижада, она-табиат ўзи яратган тирик мавжудотлар орасида энг кўп «ақлли инсон»ларидан зарар кўрди ва кўрмоқда. Эндиликда нафақат маҳаллий ёки регионал кўламда, балки сайёрамиз миқёсида ҳам кўплаб кескин экологик таҳликали жойлар вужудга келдики, уларни санаб адоғига етиш қийин.

Мана биргина Орол денгизи тақдирини олайлик. Ҳа, ҳозир Орол ҳалокат ёқасида турибдигина эмас, балки у охирги нафасини олиб фиғон қилмоқда, сокин, лекин мунгли тўлқинлари дастлабки қирғоқлари томон талпиниб кишилардан нажот кутмоқда. Ундаги оз қолган сув ҳам Қуёш тафтига дош бера олмай осмону фалакка бугланиб кетаяпти, ҳозир сув сатҳи 14 метрга пасайди, ҳажми 65, ҳавзаси эса 40 фоизга қисқарди.

Асримизнинг буюк кашфиётлари анчагина, лекин «Орол XX асрнинг фожиаси» бўлиб тарихда қолса керак. Оролбўйининг ҳалокатли экологик зона деб эълон қилиниши фикримизнинг далилидир. Бизнинг асосий фожиамиз шундаки, дастлаб табиатдан, табиий омиллардан фойдаланишда табиатнинг ривожланиш қонуниятларига монанд равишда хўжалик тармоқларини режалаштира олмадик. Жумҳуриятимиз сарҳадида ер, сув, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларга эркин эгалик қилиш ёки муқобил таклифлар киритиш қўлимиздан келмади, табиатни она дедик, лекин уни эъзозлай олмадик.

Тажрибадан шу нарса аёнки, фан тараққиётининг маълум босқичларида ҳаёт шундай долзарб муаммоларни юзага келтирадики, натижада кун тартибидаги бундай муаммони ҳал қиладиган янги мустақил ёки оралиқ фан таркиб топади. Фикримизча, экология ва жўғрофий фанларнинг асосларига таянган ЭКОДИАГНОСТИКА фани ана шундай янги мустақил фанлар сирасига тааллуқли. Дарҳақиқат, мавжуд экологик муаммоларни самарали ҳал қилиш, бу борада малакали мутахассисларнн тарбиялаш каби кўпгина масалаларни экодиагностика фани уддабурронлик билан ечиши мумкин.

Экодиагностика фанининг мақсад ва вазифалари хусусида қуйидагиларни айтиш мумкин. Эко (юнонча) уй, бошпана, яшаш жой деган маъноларни англатади. Кенг маънода, кишилар хўжалик юритадиган географик объектларни (водий, ноҳия, вилоят, ўлка, кўл, денгиз ва ҳоказо) тушуниш мумкин. Диагностика (юнонча)—аниқлашга ёки билиб олишга қодир демакдир. Экодиагностика — табиий ва сунъий географик объектларнинг келиб чиқиши, тузилиши, тараққиёт босқичларини ўрганадиган ва уларнинг экологик имкониятларини сифат ва миқдор жиҳатидан аниқлайдиган фандир.

Таъбир жоиз бўлса, экодиагностика фани худди ТошМИ қошида ташкил этилган «Диагностика» бўлимига ўхшаш вазифани бажариши лозим. Бу бўлимда дастлаб, махсус услублар ёрдамида кишиларнинг қандай касал турига чалинганлигини аниқлаб беради, яъни аниқ диагноз қўяди-да, сўнгра даволаш тадбирлари белгиланади. Шунингдек, экодиагностика фани ҳам ўзининг илмий-назарий, методологик ва амалий асосларига таянган ҳолда ҳар қандай географик объектга тўғри диагноз қўйиши, кейин унинг потенциал имкониятларини баҳолаб бериши, қандай хўжалик тармоқлари учун яроқли ва мақбул эканлигини белгилаб бериши керак. Албатта, бунда табиий-экологик мувозанат барқарорлигини таъминлаш масаласига катта эътибор берилади.

Фикримизча, бундан буён режалаштирилаётган хўжалик ишлари лойиҳаларини тузишда беш йилликларни мўлжаллаб эмас, балки 50-100 йил, ҳатто бир неча асрларни ҳисобга олиш кераклигини ҳаёт кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ҳозирги мавжуд ва янгитдан кашф этилган табиий бойликларни дарров ишлаб-партиш фойдаланишга ошиқмасдан, келажак авлодлар учун асраб ҳам қўйиш жоиздир. Ҳурматли олимимиз Зиёвутдин Муҳитдинович Акромов географларнинг бир анжуманида ёшларга қарата шундай деган эди: «Биз географлар бирор муаммоли ишни қойилмақом қилиб бажариб, нималарга қодир эканлигимизни исботлашимиз керак. Буни илм аҳллари, айниқса омма билсин, дилдан сезсин».

Дарҳақиқат, айтилган фикрда жон бор. Тан олиш ва очиқ гапириш керакки, ҳозирча жумҳуриятимиз географлари аҳолини қувонтира оладиган илмий-амалий натижаларга эга эмас. Менимча, илм аҳлларига нисбатан ёзувчи ва журналистларимиз етилган экологик, ижтимоий-сиёсий, маданий муаммоларни дадил кўтариб чиқмоқдалар, аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришлари учун кўпроқ қайғуриб, олдинда бормоқдалар. Жумладан, менинг ўйлашимча, Дадахон Нурийнинг Бўстонлиқнинг экологик муаммоларига бағишланган мақолаларининг қиймати («Шарқ юлдузи», № 3, 4, 1988 йил) амалий жиҳатдан жуда фойдалидир. Шундай экан, эндиликда уддабурон ва истеъдодли ёш тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари учун илмий мавзулар тариқасида кескин экологик вазиятли объектларнинг муаммоларини тасдиқлаш ва уларнинг фаоллигини таъминлаш мақсадида зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Такрорланмас табиат манзарасига эга бўлган Бўстонлиқ сарҳадидаги ёлғизоёқ сўқмоқлардан юрар экансиз, уфқда улуғвор қорли тоғларга кўзингиз тушади. Лекин, ҳозирги кунда Бўстонлиқ ҳудудидаги Чимён, Оқтош, Ғазалкент, Ангрен, Олмалиқ, Ҳумсон, Ўзбекистон, Ҳисорак, Ҳонобод, Ғовасой, Ғовакўл, Ғовасой, Ғовакўл, Ғовасой, Ғовакўл

Қадимий ривоятлар

Зийрак келин

БИР кишининг уйига меҳмон келибди. Нон-чойдан кейин ота келинига: «Қовунларнинг ширинидан танлаб чиқинг», дебди. Келин: «Хўп бўлади», деб кириб кетибди. Уйда бор-йўғи биргина қовун қолган экан. Келин қовуннн дарчадан кўрсатиб:

— Дада, манавининси бўладими! — деб сўрабди.

Шунда ота:

— Йўқ, бошқасини танланг, — дебди.

Келин қовунининг бошқа тарафини кўрсатиб:

— Дада, бунисн қандай! — деб сўрабди.

— Баллн болам, шу танлаганингиз ширин чиқса керак, олиб келинг, — дебди қайнотаси.

Аёл—ҳаёт гули

БИР ота уйли-жойли бўлиб кетган ўғилларидан хабар олиш учун сафарга отланибди. Юра-юра кечга яқин тўнғич ўғли яшайдиган шаҳарчага етиб, уйини топиб борибди. Хийладан бери сув сепилмаган, супурги тегмаган, йўлагини ўт-ўлан босган, ён-атрофига ахлат тўкилган ҳовли дарвозасини тақиллатибди. Бир оз вақтдан кейин ҳовлида аёл киши кўринибд, эри уйда йўқлигини айтиб, ичкарига қайтиб кетибди. Ота кўчада тунабди-да, эрталаб кетиш олдидан аёлни чақириб таъмнлабди:

— Эрингиз келса, уйини алмаштирсин...

Ота шу куни ўртанча ўғлининкига етиб борибди. Кўрсаки, ҳовли анча ораста, покиза экан. Эшикни қоқиши билан касалванд аёл кўринибди. Йўталаи-йўтала эрининг уйда эмаслигини билдирибди: «Марҳамат, уйга кирнб дам олинг» дебди. Бироқ, ота кўчада тунабди. Аёл унга чой, нон олиб чиқиб берибди.

Эрталаб ота йўлга чиқиш олдидан бу аёлга ҳам тайинлабди:

— Эрингизга айтинг, уйини тузатиб олсин...

Ота кун ботганда кенжа ўғлининкига етиб борибди. Эшик олдн, йўл-йўлаклар топ-тоза, ҳовли сариштa экан. Эшикни тақиллатишн билан бир аёл: «Ассалому алайкум», деб кутиб олибди отани. Унамаганнга қўймай уйга киритиб, ҳовлидаги сўлим супага жой ҳозирлаб ўтказибди. Фотиҳадан кейин дастурхон ёзиб, иззат-икром кўрсатибди. Янгигина, юмшоқ кўрпа-тўшакларда мирикиб дам олган ота эртаси кетиш олдидан:

— Эрингизга айтинг, қизим, уйини маҳкам қилсин, — дебди.

Турмуш юмушларидан қайтган тўнғич ўғил хотинидан бояги сўзини тинглаб:

— Яхшилик билан ажрашайлик, сен менинг умр йўлдошим бўлолмас экансаан, — дебди ва ажралишибди.

Ўртанча ўғил хотинига:

— Юр, сени табибга кўрсатай, даъволангин, — дебди.

Кенжа ўғил эса беҳад мамнун бўлиб дебди:

— Ота-онангга раҳмат, оқила аёл экансан. Уша мўйсафид менинг дадам бўладн.

Тенгсиз бойлик

БИР уста шунчалик нафис ва нозик буюмлар ясарканки, унинг ҳунарига қойил қолган одамлар ўзларича турли мулоҳаза юритишаркан:

— Устанинг ўзи уста эмас, унн уста қилган анжомн. Анжом яхши бўлса, ишинг чиройли чиқади, — дебди бири.

— Йўқ, янглишдингиз, — дебди иккинчиси, — ҳадеб бир ҳунар устида ишлайверсангиз, у санъатга айланадн.

— Бу ҳам тўғри эмас, — дебди уста сўзга аралашиб, — анжом яхши бўлиб, ҳунар-санъатга уйингда хотиржамлик бўлмаса, ишинг ривож топмайди. Уйдаги тинчлигинг — тенгсиз бойлигинг, деб бекор айтмаган халқимиз.

Торга—тор дунё

БИР йўловчи манзилига етолмай кеч қолибди-да, иттифоқо, шу етиб келган қишлоғида яшовчи қадрдони ёдига тушиб уникида тунаб қолмоқчи бўлибди. Дарвозасини тақиллатибди. Қадрдони:

— Кимсиз! — деб тунги меҳмонга пешвоз чиқаётганида, хотини: «Ҳей, шу бемаҳалда безовта қилган кнм бўлдн!» деб ғудранибди. Буни эшитиб қолган йўловчи, аёзли кеч куз, қоронғу тун бўлишига қарамай, дўсти билан ҳовлида ҳол-аҳвол сўрашгач:

— Кўрдим, соғ-омон экансан, шукур. Аммо, аиавунинг уруғини кўпайтир, — дебди-да, изига қайтиб жўнаб қолибди.

Изза бўлганидан ғоят газабланган эр: «Эй нодон хотин, бир дўстимдан айирдинг, қадримни ерга урдинг», — деб хотинини дўппослай кетибди.

Бу ривоятларни Андижон область Москва районидаги «Янги ҳаёт» рўзномасининг бўлим мудири Йўлдош СУЛТОНОВ тайёрлаб юборган.



⊙ «ҲАЁТ ШИРИН, БОЛА УНДАН ҲАМ ШИРИН». Х. Мирзакаримов сурат лавҳаси.

БОЛАЛАР СЎЗЛАГАНДА

ИССИҚ СУТ

Ҳозиргина соғилган сутдан бир пиёлага солиб:

— Дарров ичиб ол болам, томоғингга яхши бўлади, — деди буви набирасига.

— Иситиб ичмасам, томоғим оғриб қолади-да.

— Йўқ, бу сутни иситмаса ҳам бўлади, ўзи иссиқ бўлади болам, ичавер!

— Ола сигирингиз сутни пиширнб берадими?!

ЁЗИШНИ БИЛАМАН...

Тўрт яшар Музаффар қалам билан ўзича нималарнидир чизиш билан машғул эди. Бобоси келиб, кузатиб турганини пайқамай қолди.

— Бобо, мен ёзишни ўрганиб олдим, — деб мақтанди у.

— Қани, нима ёзганингни ўқиб бер-чи.

— Ўқишни билмайман, мен ҳозирча ёзишни биламан-да, — дея хўрсиниб қўйди Музаффар.

ШАҲАРДАГИ ДЎКОНДАН

Анваржон қишлоққа борса, холаси, «шов-шов»латиб сигир соғаётган экан.

— Вой, сизлар сутни сигирдан оласизларми? — деб сўради Анвар холасидан.

— Ҳа, сизлар сутни қаердан оласизлар? — сўради холаси ундан.

— Биз шаҳардаги дўкондан оламиз, — деди Анваржон.

ШАМОЛ...

Об-ҳаво айниб турганига қараб, ўқувчи опа-укалар тортишиб қолишди. Уларнинг бири қор ёғади деса, иккинчиси ёмғир, дерди.

Шу маҳал боғчасидан кичкина Акмалжон келиб қолди.

— Ҳовлида нима ёғаяпти? — деб сўрашди ундан бараварига опа-укалар.

— Шамол ёғаяпти. — деди Акмалжон.

БИЛАҒОН

Шаҳардан ҳозиргина келган набираларига ичириш учун буви қўшнинникига чиқиб, бир хумрача қатиқ олиб чиқди. Болалар мириқиб қатиқ ичишди.

— Буви, сизнинг сигирингиз қатиқ бермайдими? — деб сўраб қолди кичкина Алишер.

— Йўқ, бувимнинг сигири сут, қаймоқ беради, — деб айтди Жаҳонгир билагонлик қилиб.

ҚУЛОҚСИЗ ҚУЗИЧОҚ

— Тўполон қилмай, онанг ёнида ёт! — дея Абдужалил ота қўзичоқни қўрадаги она қўй ёнига қўйиб чиқди. Кўп ўтмай қўзичоқ бир сакраб-да қўра деворидан чиқиб кетди. Буни кўриб турган Лобархон дарҳол бобоси ёнига борди-да:

— Бобо, қўзичоқ гапизга кирмай ҳовлига тушиб кетди. — деди куюниб.

Собит ҒАФУРОВ.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими нозирлиги

22-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

1990-91 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Эркаклар, аёллар ва болалар кийимларини моделлаштирувчи бичиқчи (расмдан имтиҳон топширилади), тикувчилик ишлаб чиқариши оператори, эркаклар ва аёллар кийимларини тикувчи.

Таълим муддати — 11-синф маълумоти билан — 6 ой (мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида (МУПК) таълим олган ва бичиш ва тикиш курсларини тамомлаганлар); 9-синф маълумоти билан — 2—3 йил.

Тошкент шаҳридаги мактабларнинг 9 ва 11-синф ўқувчиларини ҳам билим юртига ўқишга таклиф қиламиз. Билим юртида 3 йил ўқиган ўқувчиларга касб ўргангани ва тўлиқ ўрта маълумот олгани ҳақидаги диплом берилади.

Билим юртига 11-синфни тамомлаб ўқишга кирган ўқувчиларга таълим даврида 30 сўм стипендия берилади, 9-синфни битириб ўқишга кирганлар эса, тўла давлат таъминотида бўладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи берилади.

Билим юртини «аъло» баҳога тамомлаганларга институт ва техникумларга кириш учун йўлланма берилади. Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юрти қошида тикувчилик буюмлари тайёрлаш бўйича «Эҳтиёж» ширкати ишлаб турибди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумот ҳақидаги аттестат (гувоҳнома), паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см), мактабдан характеристика.

Қуйидаги манзилда жойлашган билим юртига мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 63-уй — «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси. Телефон — 35-62-41, ички телефон 2-62 (9, 18, 19, 21, 24, 26, 47, 51, 57, 60, 72, 81, 92, 115-автобуслар; 2, 3, 16, 22, 23, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Олой бозори» бекати).

Тошкент шаҳри, Магазин-мавзу кўчаси, 136-уй — «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиали. Телефон — 48-84-04, (10э 43, 88-автобуслар; 19, 27-трамвайларнинг «Шимолий Олмазор» бекати).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими нозирлиги

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ

«КОМПРЕССОР» ва «АГРЕГАТ» заводлари қошидаги

25-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг соҳали дастгоҳсиз, газ-электрпайвандловчи, ускуналарни таъмирлаш бўйича слесарь, бўёқчи-сувоқчи, техник-назорат бўлими назоратчиси, «КАМАз» двигателини таъмирлаш бўйича моторчи.

ЎҚИШГА 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Ўқиш муддати 3 йил ва 1 йил.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга маошининг 50 фоизи тўланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

Таълим даврида муваффақиятли ўқиган ўқувчилар техника олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Совет Армияси сафларида хизматни ўтаб бўлган, Тошкент шаҳри ва унинг ён-атрофида истиқомат қиладиган ўсмирлар «КАМАз» двигатели моторчиси» касбини ўрганишга таклиф қилинадилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ.

Битирувчилар 10-авторемонт заводида 2 йил ишлаб беришлари шарт.

Ҳар ойда 100 сўм миқдорида стипендия тўланади.

Билим юртига кирувчилар директор номига ариза, 9 ёки 11-синфни тугаллаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат, характеристика, медицина справкаси, турар жойидан справка топширадилар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 9-СИНФЛАРНИ БИТИРУВЧИ ЎҚУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг У. О. Орипов номли ЭЛЕКТРОНИКА ИНСТИТУТИ, Беруний номли ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти ва Тошкент шаҳри Куйбишев район халқ таълими бўлимининг

«ЭЛЕКТРОНИКА» ИЛМИЙ-ЎҚУВ МАРКАЗИ

ўзбек ва рус тилларида физика ва математика фанларидан чуқур ўқитиш учун

10-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ СИНФЛАРГА

КОНКУРСЛИ ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар Куйбишев район халқ таълими бўлимининг 113 ва 140-мактаблари, Электроника институти лабораторияларида ва институт қошидаги ТошДУ ва ТошПИ кафедраси филиалларида юқори малакали мактаб ва олий ўқув юрти ўқитувчилари, илмий ходимлари томонидан олиб борилади.

Ўқув марказини муваффақиятли тугатган экспериментал синф ўқувчилари «Илмий текшириш институти лаборанти» мутахассислигини эгаллаши ва битириш имтиҳонлари натижасига қараб ТошДУнинг физика факультети ва ТошПИнинг радиоэлектроника ва автоматика факультетига кириш имтиҳонларисиз қабул қилиниши кўзда тутилмоқда.

КОНКУРСЛИ ҚАБУЛ 1990 ЙИЛ 15 МАЙДАН БОШЛАНАДИ.

Экспериментал синфга конкурс ўтказиш бўйича тўлиқ маълумотларни Электроника институтидан 69-94-97, 69-94-48 ва Куйбишев район халқ таълими бўлимидан 67-17-57 телефонлари орқали олиш мумкин.

КЕЛАСИ ҚИШ МАВСУМИГА



«ЗАРЯ» ФИРМАЛИ ДЎКОНИ ТАКЛИФ ҚИЛАЁТГАН ПАЛЬТОЛАР ЁШИ 30 ДАН ОШГАН, НИСБАТАН ТУЛАДАН КЕЛГАН АЁЛЛАРНИ ҚИЗИҚТИРСА КЕРАК.

Сотувда одми кулранг ва жигарранг асл матолардан классик услубда тўғри бичилган АСТАРСИЗ ВА АСТАРЛИ ПАЛЬТОЛАР бор.

Астарсиз пальтолар бағирлари бир томонлама ва икки томонлама, чўнтаклари ўйиб тикилган. Астарли қишки пальтолар қоракузан ёқали, енглари реглан шаклида.

1495 модели — қад-басти 54 дан 60 гача, бўйи п дан у гача, нархи 280 сўмдан 310 сўмгача: Р310 модели — қад-басти — 54 дан 60 гача, бўйи II дан III гача, нархи 140 сўмдан 200 сўмгача; 1107 модели — қад-басти — 62 дан 64 гача, бўйи II ва III, нархи 140 сўмдан 150 сўмгача.

Шунингдек, сотувда астарсиз ва қишки астарли, қимматбаҳо мўйна ёқали (қад-басти 44—52, нархи 150—300 сўм) пальтолар, модали (192-модель) бичилган (қад-басти 44—48, нархи 150 сўм) плашчлар бор.

Дўконнинг макони: Қосмонавтлар шоҳ кўчаси, 41. Транспорт: 57-автобус. Метронинг «Ойбек» станцияси.

Иш вақти: соат 10 дан 19.00 гача, танаффус — соат 14 дан 15.00 гача, дам олиш куни — якшанба.

«ЗАРЯ» ФИРМАЛИ МАГАЗИНИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА

21, 29 апрель соат 19.00 да

ПРЕМЬЕРА

Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган маданият арбоби Абдуғани АБДУҒОФУРОВ асари

Анвар ЭРГАШЕВ мусиқаси.

«АНҚОВЛАР ЧАЙҚОВИ»

(икки пардали мусиқали сатирик комедия)

Саҳналаштирувчи режиссёр — Алавутдин МУҲИТДИНОВ.

Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат курсатган артист Эргаш ТОШМАТОВ.

Рассом — Анатолий СЛУГИН.

СПЕКТАКЛДА:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Ҳусан Шарипов, Марьям Ихтиёрова, Нанма Пулатова, Фарзиддин Фаёзов;

артистлар: Файзулла Аҳмедов, Абдуҳоқ Мамарасулов, Равшан Солиҳов, Ҳаким Носиров, Мушарраф Тўхтаева, Дилором Сафоева, Норпошша Ҳасанова, Турғун Бекназаров, Феруза Норқулова, Маъруф Отажонов, Бонр Холмирзаевлар иштирок этади.

45-16-33, 45-36-55 телефонлари орқали буюртмалар қабул қилинади.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1 МАЙ СОАТ 19.00 ДА,

2 МАЙ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ

НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ

ИШТИРОКИДА

«АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК!»

ЯНГИ ҚОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА

ҚАТНАШАДИ

Программани сўз устаси

МАШРАБ НАЗАРОВ олиб боради.

Касса соат 11.00 дан очиқ.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

ҲУРМАТЛИ ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ, КУЛГИ ШИНАВАНДАЛАРИ!

«ПАХТАКОР» СТАДИОНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«УСАРФИЛЬМ» МУАЛЛИФ БИРЛАШМАСИ

17 ва 20 апрель кунлари бўладиган футбол учрашувидан олдин

Сиз азизларни, бир неча дақиқа бўлсада мириқиб ҳордиқ чиқаришга, яхши кайфият билан севимли **«Пахтакор»** командамиз ўйинчиларини қўллаб-қувватлаш учун

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Биз биринчи бўлиб стадионимизга қўқонлик аскиячилар ва қизиқчилар Йўлдошхон НОСИРОВ, Баҳодир ШОКИРОВ, Мансуржон ОХУНОВ, Мамасиддиқ ШИРАЕВ, Муҳаббатхон ТОШПЎЛАТОВА, Ғиёсиддин АБДУРАҲМОНОВларни таклиф қилишни лозим топдик.

Футбол чиптасига «УСАРФИЛЬМ»нинг 50 тийинлик чиптаси қўшиб сотилади.

«УСАРФИЛЬМ» МУАЛЛИФ БИРЛАШМАСИ

БАРЧА ҚИЗИҚУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

СССР Кинофонди қошида кинематографчилар уюшмаси қарори билан ташкил этилган «ПАРИТЕТ» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон бўлими — «ШАРҚ-ФИЛЬМ» УЮШМАСИ давлат, жамоат, кооператив ташкилотлари, чет эл фирмалари ва алоҳида шахслар билан бадиий, ҳужжатли, илмий-оммабоп, ўқув, мультипликацион, реклама, кино-теле-видео фильмларини ДАВЛАТ НАРХИДА ШАРТНОМА АСОСИДА СУРАТГА ОЛАДИ.

Буюртмалар малакали кинематографчилар томонидан юқори савияда ва қисқа муддатда бажарилади.

Кино-видео маҳсулотлари ишлаб чиқаришга доир қўшимча маълумотларни, нарх-навони билиш ва шартнома тузиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилишингиз мумкин: **Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уй, «Шарқ-Фильм» уюшмаси. Телефонлар: 45-28-50, 77-95-89.**

МУСТАҚИЛ ТИЛ ЎРГАНУВЧИЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Агар ўзбек ва инглиз тилларини ўрганиш ёки билимингизни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларингиз бўлса, «Узэнергоналадка» корхонасида ташкил этилган ТИЛЛАРНИ ТЕЗКОР ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА МАРКАЗИга мурожаат қилинг.

Марказда тилларни мустақил ўрганиш учун лингафон хонаси мавжуд.

Марказга қабул қилинган талабалар имтиёзли нархларда лингафон курсларини (магнит ёзувли кассеталарни ва китобларни) сотиб олишлари мумкин. Маълумотларни дам олиш кунларидан ташқари ҳар куни 33-80-01 телефони орқали соат 9 дан 12.00 гача олсангиз бўлади.

«Узбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Узэнергоналадка» корхонаси.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

21 ВА 22 АПРЕЛЬ СОАТ 17.00 ДА

ДАМ ОЛИШ ОҚШОМИДА

Ҳ. Ҳ. Ниёзий асари.

«МАЙСАРАНИНГ ИШИ»

Санд Аҳмад асари.

«ФАРМОНОБИБИ АРАЗЛАДИ»

БОШ РОЛДА: Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати ЗАЙНАБ САДРИЕВА.

Танаффус вақтида: драма актёрлари — Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати ЁДГОР САЪДИЕВ; Тошкент вилоят Ленин комсомоли мукофотининг лауреати САИДА РАМЕТОВА;

артистлар: ШАВКАТ ТОЛИПОВ ва МУНОЖОТ ТЕШАБОЕВАЛАР куйлайди.

СПЕКТАКЛЬ СОАТ 21.00 ДА ТУГАЙДИ.

Билетлар сотилмоқда.

Оммавий буюртмалар қабул қилинади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/IV да **Севги ҳақида афсона.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/IV да **Истамбул фожиаси,** 18/IV да **Курорт.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 18/IV да **Шайтон ва муридлар.**

КИНО

17 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «УЧРАШУВ» (катта зал, 18.30, 20.45); «ИНТЕР ҚИЗ» (кичик зал, 17, 19.30).

Чайка — «УЧРАШУВ» (18.30, 21.00).

Восток — «ҚОЧИШ», «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (18, 21.00).

Қозоғистон — «УЧРАШУВ» (17, 18, 20.00).

Лисунов номли — «САБР КОСАСИ» (тоқ соатларда).

18 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «УЧРАШУВ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45); «ИНТЕР ҚИЗ» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «УЧРАШУВ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Восток — «ҚОЧИШ», «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (12, 15, 18, 21.00).

Қозоғистон — «УЧРАШУВ» (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20.00).

Лисунов номли — «САБР КОСАСИ» (тоқ соатларда).

СССР Соғлиқни сақлаш нозирлиги «ГипроНИИздрав»нинг ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ

филиалнинг бош архитектори лавозимига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда олий маълумотли архитектор граждан объектларини лойиҳалашда 10 йил иш стажига эга бўлиб шундан беш йили раҳбар лавозимларда ишлаган (лойиҳанинг бош архитектори, бўлим бошлиғи, лойиҳалаш институти бош архитектори).

АРИЗАЛАРНИ БЕРИШ МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ҳужжатлар филиал конкурс комиссияси раиси номига жўнатилсин: 700007, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 30-уй.

Справкалар учун телефон-68-35-72.

Тошкент шаҳар почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Чилонзор район алоқа тармогининг собиқ бошлиғи

Раҳима Абдуқодировна АЛИМОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумининг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат медицина институти ректорати ҳамда санитария-гигиена ва стоматология факультетларининг одам анатомияси кафедраси жамоаси шу кафедра доценти У. М. Миршараповга отаси

Миршароф РАҲМАТУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент сут ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси корхона бош директорининг ўринбосари Б. Ж. Илёсовга онаси

Азиза ИЛЯСОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 10027.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.